

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

# Оила ва жамият

## ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕФАРАЗ СУҲБАТДОШИНИГИЗ

Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор туфайли соғлом турмуш тарзи қарор топмоқда. Одамларнинг, айниқса ёшларимизнинг ўз саломатликларига муносабатлари кучаймоқда. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби анжуманлар ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган бир қатор спорт клубларига ҳам эътибор кучайди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманига қарашли "Белтепа" маҳалласида яшовчи Мухтор ака, ҳамда Гулчеҳра опа Абдуллаеваларнинг фарзандлари ҳам Ўзбекистон Миллий каратэ федерацияси клубининг аъзолари. Бугун ҳам биз спортчи йигитларни машғулот чоғида учратдик.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ** — 13 ёшда. Американинг Атланта шаҳрида каратэ спорти бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада 1 та олтин, 1 та кумуш медал соҳиби. Икки қара Ўзбекистон чемпиони. Биз чемпионни бироз машғулотлардан чалғитиб мақсадида суҳбатга тортдик.

**Рустам, чемпион бўлиш яхши бўлса керак-а?**

— Ҳа, албатта яхши. Лекин ўзи га яраша машаққатлари ҳам бор. Доимий равишда машғулотларга қатнашиш, айрилган машқларни бажариш, ундан ташқари мактабдаги дарсларни ҳам қолдирмаслик керак. Қолаверса, чемпион бўлиш учун битта одамнинг меҳнати камлик қилади. Мен билан битта жамоада ёнма-ён туриб тер тўкувчи Абдуллаев Азиз, Абдуллаев Шерзод, Жўраев Дониёрларнинг меҳнатлари ҳам анчагина. Биз Ўзбекистон чемпиони унвонига биргаликда эришганмиз.

**Машғулотлар мактабдаги дарсларингизга ҳалақит бермайдими?**

— Йўқ, аксинча. Спорт билан шугулланган болани бекорчи вақти умуман бўлмайдди. Сигарета чекиш, ичиш, турли хил зарарли ўйинлар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

**Клубдаги машғулотлар адашмасам кўпроқ япон тилида олиб борилади. Сўзларнинг мазмунига тушунасизми?**

— Ҳар бир янги машқни ўргатишдан олдин устозларимиз тушунтириш бериб боришади. Биз ўрганадиган усулимизни асл моҳиятини тушуниб олган, сўнг машқлар ўрганишга киришамиз.

**Комил АБДУЛЛАЕВ** — 2002 йил юртимизда ёшлар ўртасида



да ўтказилган каратэ баҳсларида 1 та кумуш, 1 та бронза медали соҳиби.

**Комил, мана укангиз чемпион бўлди. Сизда эса бундай имконият йўқ. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?**

— Мен Рустамнинг ютуқларидан хурсанд бўлдим. Ҳар қалай у укам. Ўзимга келсак спортга анча кеч, яъни суягим қотиб қолганда келдим. Фарзандларини моҳир спортчи бўлишини истаган ота-оналар ўғил-қизларини 6 ёки 7 ёшдан бошлаб машғулотларга беришса яхши бўларди.

**Маҳалладаги дўстларингиз билан муносабатингиз?**

— Яхши. Ҳозир сафимиз анча кенгайиб қолган. Кўчада бекор юрган ўртоқларимни ҳам спортга жалб қилдим. Ҳозир улар ҳам мен билан каратэ клубига боришади.

**Устозларингиз ҳақида икки оғиз?**

— Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган спорт устози, қора белбоғ 6 дан соҳиби Нурхон Нафасов асосий мураббийимиз. Машғулотларда қаттиққўл, талабчан мураббий бўлса, ҳаётда меҳрибон, самимий дўст. Нурхон аканинг "қора белбоғли" шогирдларидан Отабек Қосимов, Жасур Жалилов, Фарход Аҳмедов, Илҳом Каримов, Икром Каримов, Александр Пак, Дмитрий Мелников, Шерзод Қодиров, Рустам Гофуржонов, Ирик Буҳарбаевлар ҳам бизга каратэ оламининг сирларидан сабоқ бериб боришади.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ** — Спортнинг "Кунг-фу" тури билан шугулланади.

**Айтинг-чи, машғулотларга боришга ҳамиша вақт топасизми?**

— Ҳа, албатта. Ахир спорт ҳаётимнинг асосий мазмуни. Ҳар ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари машғулот. Лекин биз ҳамиша уйимизда ҳам шугулланиб тураемиз.

**Спортнинг яна қайси турларига меҳрингиз баланд?**

— Дам олиш кунлари сузш, баскетбол ўйнаш билан шугулланиб тураемиз. Ундан ташқари инглиз тилига ҳам

*Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларидан қўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу ғоя учун жон куйдириб яшаш ва ишлаш керак.*

**И. КАРИМОВ**

## ЙЎЛЛАРИНИГИЗ ЁРУҒ БЎЛСИН БОЛАЖОНЛАР



қизиқаман.

**Спортчи қизларга муносабатингиз қандай?**

— Жуда яхши. Спортчи қизларни хурмат қиламан. Лекин ҳамма нарса ҳам меъёрида бўлса, яхши натижаларга эришиш мумкин. Аёл ёки эркак бўлишидан ёки ёшидан қатъий назар спорт аввало инсонни ўзи учун керак.

Шу тарихда суҳбат давомида болалар бизга каратэнинг турли йўналишдаги усулларини кўрсатиб беришди. Ва ниҳоят болаларнинг ота-онаси билан суҳбатлашишга муяссар бўлдим.

**Мухтор ака Абдуллаев** — тадбиркор. Спорт ишқибози.

**Фарзандларингизни каратэ спортига бериш фикрингиз қандай?**

— Биз оилада 8 ўғил, 1 қизмиз. Ҳамма укаларимда ўғил укам. Бир кунни ҳамдам укам: "Болаларни каратэ спортига берсак", - дея таклиф қилдик. Мен "қайдам, ўларидан сўрайлик-чи", дея жавоб бердим. Болалар рози бўлишгач, Чуқурсойда жойлашган каратэ спорти клубига бордик. У ерда биз Нурхон

ака Нафасовга учрашдик. Дониёр, Азиз, Азим, Бекзод, Аббос, Аъзам, Шерзодлар ҳам ўғилларим билан бирга машғулотларга боришади.

**Тирикчилик ташвишларидан ортиниб, болаларнинг доимий равишда машғулотларга олиб боришга вақт топасизми?**

— Тўғри савол бердингиз. Ўғилларим, жиянларим, кўнрақларимнинг болаларини машинада клубга олиб боришимга тўғри келади. Баъзан болалар кўпайиб машинага сизга қолишади. Шундай пайтларда 3-4 нафарини машинанинг юкхонасига солиб кетган вақтларим ҳам бўлади (қулади). Шу фурсатдан фойдаланиб ўғил-қизларини спорт клубларига бериб, уларни қўлларидан қелганича қўллаб-қувватлаб турган ота-оналарга раҳматлар айтиб, таъзим қилгим келади.

**Оилавий спортнинг афзаллиги томонлари нималарда деб ўйлайсиз?**

— Дастурхон атрофида, кўча-кўйда ҳамиша спорт мавзусида суҳбатлашамиз. Болаларимнинг бекорчи вақтлари

умуман йўқ. Энг муҳим томонини шундаки улар ҳар-бир ҳаракатларини обдон ўйлаб кейин амалга оширишади. Салом-алиқни қанда қилишмайди.

**Спорт билан шугулланган болаларнинг ҳаммаси ҳам чемпион бўлади деб ўйлайсизми?**

— Ҳар бир ота-она фарзандининг камолот чўққисини кутиб яшайди. Айниқса чемпиони ҳам чемпион отаси, ёки онаси, деган ном ҳар бир инсонга чексиз гурур бағишлайди. Лекин ҳаётда ҳамиша биз кутган тасодифлар содир бўлавермайди. Шунинг учун биз фарзандларимизни гоҳиб бўлишдан олдин "яхши инсон" бўлишга тайёрлаб боришимиз зарур.

Суҳбатимизни шу ерда яқун топтиришга қарор қилдик. Чунки болалар навбатдаги мусобақаларга зўр бериб тайёргарлик кўришяётганиди. Опоқ қабутардай бир сафга тизилишиб турган каратэчиларга қарата "Йўлларингиз ҳамиша ёруғ бўлсин", - дея тилак билдириб қолдик.

**Суҳбатдош:**  
**Нигора ЙЎЛДОШЕВА**

## БОЛАЛАР АРДОҒИМИЗДА

Яқинда Ўзбекистон Болалар жамғармасида "Миллий ҳаракат бирлашмаси" - болалар масалалари билан шугулланадиган нодавлат жамоат ташкилотларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Болаларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ногирон, етим,

кам таъминланган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, оила меҳридан маҳрум кўча болаларига ёрдам бериш, мажлисида қўрилган асосий масалалардан бири бўлди.

— Болаларимиз маънан етук ва жисмонан соғлом, меҳрдан баҳраманд, бахтли ўсишлари керак. "Ҳар бир фарзандга - меҳр, эъти-

бор" шиори остида Халқаро ҳаракат ташкил қилинди. Унга дунёдаги 95 миллиондан ортиқ катталар ва болалар овоз беришди. Шулардан уч миллиони эса юртдошларимиз эканлиги қувончлидир. Демак, бундан буён ҳам келажагимиз бўлган болалар асосий эътиборимизда бўлаверади, - деди йиғилишда сўзга чиққан жамғарма ра-

### Ахборот

иси Инқилоб Юсупова. Музокараларга бой ўтган ушбу йиғилиш сўнггида болалар учун эзгу ишларни амалга ошираётган нодавлат ташкилотларнинг фаолиятлариغا энгиллик яратиш мақсадида жамғарма қошида ахборот маркази ташкил этиш ҳақидаги таклиф маъқулланди.

**Дилобар ИСМОИЛОВА**

Яна ҳужжатгоҳдан, мана неча йилдири, ҳар куни тонг билан - худди ишга боргандай ҳужжатгоҳга йўл олмаман ва яқин тарихимиз саҳифаларини варақлай бошлайман. Ҳужжатлар шохидлигида уларни ўрганаман. Бу саҳифалардан мен нималарни излайман?

истиклол" деб номланган уюшмага бирлашган бўлганлар. Ўрганган ҳужжатларимнинг шохидлик беришига кўра бу ҳаракатдан хабар топган шўро ҳукумати Давлат Сийёсий Бошқармаси "Миллий истиқлол"чилар изига тушган, 1929-1930 ва 1931 йиллар ичида бу ҳаракатнинг 87 аъзосини ҳибсга олган, улар орасидан ўн беш нафарини ажратиб, Москвадаги "Бутирка" турмасига элиб қамаган ва 1931 йилнинг 25 апрелида улар РСФСР Жиноят мажмуасининг 58-моддаси турли бандлари билан отувга ҳукм этилганлар - ҳукм 1931 йилнинг 23 майи куни қисман Москва шаҳрида ижро этилган. Бу отувга ҳукм этилганлар орасида менинг отаи бузруқворим Саид Ахрорий ҳам бўлган эканлар - 36 ёшда отиб юборилган эканлар. 25 ёшдаги онам Вазираҳон бева қолиб, биз тўрт фарзанд - бир қизу тўрт ўғил етим қолган эканмиз.

Ортимизнинг элим деган ватанпарвар ўғлонлари бошига тушган бу фо-



Хуррият офтоби бошимиз узра балқигач мустақил республикамиз ҳукумати мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ташкил этди.

Бу комиссия зиммасига қатагон даври қурбонлари бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш юзасидан фаолият юритиш вазифасини юклади. Камина ҳам шу комиссияга киритилган бўлиб, менинг ҳам зиммамга катта бurch юкланди, деб англадим ва бу топшириқни бажармоққа ўзимни камарбаста деб билдим.

Ушандан бери мустақил диёримизда бу борада қанчадан-қанча хайрли ишлар амалга оширилди... Тошкентнинг Бўзлаб оққан бўзсув сойи соҳилида қатагон қурбонлари - мустақиллик учун кураш йўлида шаҳид кетган - мустақил тузум замонда отиб юборилиб қалган ва жанозасиз ўраларга кўмиб юборилган фидойи ватандошларимиз руҳи қокига эҳтиром юзасидан мустамлакачилик даври қурбонлари Хотира мажмуи бунёд этилди. Бу мажмуа билан ёнма-ён яна бир кўркам бино қад ростлаб, маҳабатли музей барпо этилди. Шу қурбонлар ёдини келажак авлод қалбига сақлаб қолмоқ ниятида барпо этилган бу музейда мустақилликка эришиш йўлидаги кураш тарихи кўзгудагидек акс эттирилди - юртимизнинг етти ёшидан етмиш ёшигача бу кураш тарихини ўрганишига имкон яратилди.

Мустамлакачилик қарши курашда неча-неча юртдошларимизнинг қатл этилганидан буён орадан 60 йилдан ортки вақт ўтди. Бу йиллар мобайнида ҳужжатгоҳларнинг ёпиқ эшиклари очилиб қаламқашларга фаолият олиб бориш имконияти пайдо бўлди ва мен ҳужжатлар шохидлигида неча-неча ватандошларимизнинг фожеали қисмати-дан хабар топдим. Мустақил тузум қурбони бўлган юртдошларимизнинг фожеали тақдирини ҳақида мақолалар чоп этирдим. Мустақил Республикамиз Президенти раҳбарлигида бу борада олиб борилаётган улғу, бегараз ва савобли ишларда баҳоли қудрат ҳисса кўша олиш имкониятига муяссарлигим билан бахтиёрман.

Ҳар тонг нонуштадан сўнг ўғил-қизларим, набира-абираларим даврасида, одатларимизга кўра, фотиҳага қўл очиб, яратилган юртга тинчликни, истиқлол йўлида шаҳид кетган, ота-боболаримиз ва юртдошларимизнинг жойлари жаннатдан бўлишини, юртимиз кўкида истиқлол офтоби абадиёт порлашини тилаймиз.

Холида АХРОПОВА

## ҲУЖЖАТЛАР



## ШОҲИДЛИК БЕРАДИ

Ҳа, нималарни қидираман ва нималарни топдим? Менга нима керак ўзи? Аслида ҳамма-хаммаси соғинчдан, ўксиклик, ҳўрликлардан ва хорликдан бошланди.

Ҳаётимнинг энг бахтиёр дамларидан бирида - аёзли куз тонгида ишга кетган отаи бузруқворим шу кетганича бедарак йўқолганлар. (У чокларда — 1930 йилнинг ноябрида отам Саид Ахрорий Самарқанд шаҳар молия-иктисод техникумида дарс берардилар).

Ўксик дил нолаларини мен айтмайну, бошқалар эшитмасин: етим бўлгангина билар етим аҳолини, дейдилар.

Ахйири, олтмиш йил бедаракликдан сўнг, уч яшар қизалок олтиш уч ёшга тўлиб нафақага чиққан чоғимда - 1990 йилларга келиб топдим отам изини. Менинг отам муаллим, ёзувчи ва дипломат Саид Ахрорий Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун кураш борасида фидойиллик кўрсатган истиқлол одами бўлган эканлар.

Мен ҳужжатгоҳларда илк ўрганганим маълумотлар «Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар», дея номланган 20 жилдлик жиноят иши бўлиб, бу ҳужжатлардан шуни билдимки, юртимизда ватанимизнинг мустақиллиги учун курашган фарзандлари "Миллий

жао жону ҳақонимни ўртади ва мени бошимдан кечирганларим бу мусибатлар, ватандошларимизнинг бу фожеали кечмишлари ҳақида элга сўзлаб бериш ниятида қўлимга қалма олдим. Шу-шу қисмати фожеали якун тогган ватандошларимиз Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, отаи бузруқворим Саид Ахрорий, Германияда ўқиб келгани учун жосус деб айбланган Марям Султонмуродова, Омонулла Нусратуллаев ҳамда Саттор Жабборлар ҳақида "Изларини излайман" деган рисола чоп этирдим.

Аммо ҳужжатгоҳлардаги фаолиятим мана неча йилдири, ҳамон давом этаёттир. Мен уларнинг бу кураши маъно-моҳиятини англаб етишга ҳаракат қилдим ва англаб етдим.

Тергов давомида нима сабабдан бу кураш йўлига кирганликлари ҳақидаги саволга жавоб беришар экан, аввал бошда совет воқеълигини кўлаб-қувватлаганлари ва кейинчалик Совет ҳокимияти олиб борган шовинистик сийбсатдан кўнгиллари қолиб, қуллик исканжасидан қутулиш йўллариин излаганликларини англайман.

Лекин Давлат Сийёсий Бошқармаси: "Сенлар шохида юрсангиз биз баргиде юрамиз" қабилида иш юритиб, истиқлол йўлида фаолият олиб борганларини бир-бир териб олиб, ҳибсга тиккан эканлар.

## ЯХШИЛАР-ЛА КЎРКЛИДир ДУНЁ...

Севимли, ҳамдардим "Оила ва жамият"! Мен сенинг доимий мухлисингман. Ҳар бир сонингни қолдирмасдан ўқиб бораман ва менинг оилам энг бахтли оилалардан эканлигини ҳис этаман. Шундай бўлса-да, сенга нималарнидир ёзгим, сенга бўлган меҳримни ошқор этгим келаваради. Мен сенга ўзим севган инсонлар ҳақида ёзмоқчиман ва уларга сен орқали ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Бош оғриги азоби билан Китоб тумани Қайнар қишлоғидаги "Минг чинор" асаб касаликлари шифохонасига бордим. Мени врач Таниев Махмуд ака қабул қилиб олдилар. У кишининг муолажалари, ширинсўзлиги, ўта авайлаб муомала қилишлари натижасида оғриқлардан осонгина қутулдим. Бир куни ўша касалхона ёнидаги дўкончада ишлайдиган Дилафруз исмли кизча билан танишдим. Юрак-юрагимдан

жой олган бу ширин қизалок туфайли унинг оиласи, ота-онаси билан танишдим. Бу - Нурбоевлар оиласи эди. Бу касалхонага келиб мен инсон меҳридан бебаҳра бўлмадим. Нурбоевлар оиласи эса бунгача тамоман беғона бўлишлариға қарамай, ҳар куни менидан хабар олиб туришди. Бу оила гўёки ўз оиламга айланиб қолди. Оила бекаси Тўти опани мен ўз онамдек кўраман. Севимли газетам, сенинг саҳифаларинг орқали жондан азиз жонларим - касалхона шифокорлари ва меҳрли оила аъзолари - Боймурод ака, Тўти опа фарзандлари Орузмурод, Дилафруз, Гулрух, Азизжон ва Азизжон Нурбоевларга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Азизларим, сизларни жуда соғиндим.

Назокат АВЛОКУЛОВА  
Қашқадарь вилояти  
Чирокчи тумани, "Бешчалама" ш. \х.

## Газетхон — газета ва ҳаёт ҳақида

## АРДОҚЛИ МЕҲМОНИМИЗ

"Оила ва жамият" мухлисларинг энг ардоқли ва ҳар бир сонини муштотлик билан кутадиган газетасига айланиб бораётганлиги ниҳоятда соҳибдир.

Биз — шифокорлар одамлар тан жароҳатини табобат ёрдамида даволасак, "Оила ва жамият" қалб жароҳатини даволамоқда.

Газета оила аъзоларимизнинг "пайшанба" кунги орзиқиб кутган "меҳмонига" айланиб қолган.

Албатта газета халқ эътиборига тушишида барча ходимларнинг хизмати бениҳоя каттадир. Лекин шулар билан бир қаторда яна бир соҳа ходимлари борки, уларнинг меҳнатидан биз ҳам бениҳоя таъсирланамиз ва завқланамиз. Бу газетанинг моҳир рассомларидир. Чунки газетда берил-

ётган ҳар бир мақолада улар томонидан чизилган суратлар, безаклар бизга жуда маъқул бўлмоқда.

Ҳар бир мақола учун расм чизиш ва ташвишли, хаяжонли воқеаларни кичик бир расмда акс эттириш, рассомдан катта меҳнат ва маҳоратни ҳамда барча воқеаларни ўзида сингдиришни тақозо этади.

Мен, ўзим ҳам, шифокор бўлсам-да рассомчилик санъатига жуда қизиқман ва оз-оз карикатура соҳасида "хиргойи" қилиб тураман.

Хурматли таҳририят! Сизлардан илтимос, агар иложи бўлса газета рассомлари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Шербой ШЕРОВ  
соғлиқни сақлаш  
Бош бошқармаси  
бўлим бошлиғи  
Қашқадарь вилояти


## Хуқуқий дарсхона

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ

(Боши ўтган сонларда.)  
Амалдаги қонунчиликда аёлларга пенсия ва солиқ бобидан қандай янги имтиёзлар белгиланди?

Мамлакатимизда "Аёллар йили" нишонлини муносабати билан Президент ва Ҳукумат томонидан махсус ҳуқуқий актлар чиқарилиб, уларда аёллар учун қўшимча имтиёзлар белгиланди. Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 17 мартдаги "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" деган фармони билан ишловчи аёлларнинг юқори маалаки меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида саъй қадам қўйилди. Фармонга биноан. 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ноғирон болаларнинг интернат уйларида, "Меҳрибонлик" уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар ишлашши давом эттираётган ва пенсияга чиқиб олди-дан мазкур мутахассисликлар бўйича камиде ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.<sup>2</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 мартдаги Қарори билан ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадларига имтиёзли солиқ солиш белгиланди. Яъни, 1999 йил 1 апрелидан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган иш, касб, лавозимлар ва кўрсаткичлар 1-рўйхатининг III-қисмида ва 2-рўйхатининг I-қисмида ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадларига солиқ солиш бўйича қўшимча имтиёзлар белгиланди, улар учун даромад солиғи даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги ўрнатилди.

(Давоми бор.)



Таҳририятдан: Хурматли мухлисимиз Шербой Шеров газета «рассомлари» деганда рассомимиз Набижон Холмуродовни назарда тутган бўлсалар керак.  
Танишинг рассом — Набижон Холмуродов - газетда 7 йилдан бери ишлайди. Оилали. Бир ўғил, икки қизинг отаси.

Халқимизнинг: «Бола ёшидан, хотин бошидан тарбияланиши лозим», деган нақли бор. Тўғри, янги келинчақ, яъни ёш хотиннинг ўзига хос эркаликлари, инжиқликлари бўлади. Буни тўғри англаш, ҳадеб айтганини бажо келтириб, эркалатиб, талтайтириб юбориш охири-оқибат уни такаббур қилиб қўяди. Айтгани айтган, дегани деган бўладиган бу «келинпошош» эрининг тумшугига «ип ўтказиб» олгач, қайнонасининг ҳурматини жойига қўяди, деб ҳеч ким кафолат беролмас керак.

Бир ривоятда подшо ўз

қарди. Эр эса бепарво. Хуллас, уриб, оғирроқ тан жароҳати етказишгача бориб етди. Бечора онанинг абгор ҳолатини кўриб, барчанинг раҳми келарди. Кўни-қўшни, қариндош-уруғининг йигитга ва бағридош келинга қилган ўғит-насиҳатлари кор қилмади. Ўша муштипар онанинг умри рўшнолик кўрмай, хору зорликда якун топди...

Элчилик экан-да, бир кун иш хонамга келиб, онасининг устидан шикоят қилган йигит билан суҳбатлашишга тўғри келди. Келинг, унинг ўз волидаи муҳтарамаси устидан қилган шикоятдан баъзи сатрларини бирга-бирликда мутолаа, сўнгра мушоҳада

## ОНАНИ ҲУРМАТ



## ҚИЛИНГ

музофотидаги эрларни синамоқ бўлиб, сарбозларига бир саман от берибди: «Рафиқаси измига бўйсунмайдиган, ҳақиқий рўзгорбоши эркак топилса, менинг номидан мана шу отни сова қиласизлар», - дея амр этибди. Сарбозлар кўллаб шаҳарлар, кишлоқларни айланishiбди. Аммо, лодшо талабига мос эркакни топиш амри маҳол бўлибди. Охири бир кишлоққа етиб келишганда бақувват бир эр: «Ким бўлибди у хотин дегани, мен ундан сўраб иш қилсам», - дебди. Сарбозлар: «Ҳайрият!», - деб ўша мард инсонга отни совга қилишибди. Бундай мукофотни кутмаган йигит шошиқ қолибди ва дарров отни ўз ҳовлисига етаклабди. Дарвозадан кириши билан: «Хотин, мукофотга келган отни қаерга боғлай?» - дея бақирибди. Бу фурсатда сарбозлар хали узокқа кетмаган ва «хотиндан кўркмай-диган» эрининг гапларини эшитиб қолишган экан...

Бу бир ривоят, аммо унинг замирида қайси бир маънода ҳақиқат яширин. Шундай бир оилани билан. Ота-онасининг ёлғиз зурриёди бўлган бу йигит уйлангандан сўнг ўзгарди-қолди. Суюкли ёрига бўлган меҳр, ота-она ҳурмати-га соя ташлаб қўйди. Аввалига қайнонасига гап қайтарадиган «келинпошош» ҳеч ким йўғида уни босиб урадиган одат чи-

этиб кўрайлик.

- 1988 йилда ота-онамнинг истаги ва ҳатто кистови билан бир узокроқ қариндошимизнинг кизига уйландим. Тез орада фарзандли, ўғилли бўлдим. Бешик тўйида арзимаган бир мато устида кудалар, яъни онам ва қайнонам жанжаллашиб қолишди. Шундан сўнг онам хотинимни ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, дейдиган, доим кистовга оладиган бўлиб қолди. Иложи бўлса, ҳар бир қилган юмушидан камчилик топар ва менга ёмонларди. Охири, хотинингни ташлайсан, деган шартни кўндаланг қўйди. Бу орада иккинчи фарзандимиз туғилди. Мақсадига эришишга кўзи етмаган онам энди: «Уйни бўшатинглар», - дея зугум қила бошлади. Учас-ка олиб, иморат кўрдик. Битта хонасини сал эпаккага келтириб, кўчиб ўтдик. Шундан кейин ҳам онам бизни тинч қўймади. Укаларимни тезлаб, мени урдирадиган, хотинимни хўрлайдиган одат чикарди. Оллоҳ насиб этиб, орттирган жамгармамизга енгил автомашина сотиб олдим. Кувончимни ичимга сийдирма олмай, дастлабки кунийё онамнинг ҳовлисига хайдаб бордим. Табриклаш ўрнига: «Илоё, ўша хотинчаг билан шу машинанинг тагида қолиб, ўлинглар», - дея қаргаб солди. Шундан сўнг машинани сотишга даъват эта

бошлади. Қарғишдан кўркиб, сотиб юбордим. Энди: «Хотинингни хайдамасанг, берган оқ сўтимга розимасман!», дея қатъий шарт қўйди. Охири ниятига етди, беш болани ота меҳридан мусово этди.

Мен қайнона-келин ўртасидаги низоларда хотинимнинг ҳам айби бор, деб ўйлардим. Бироқ, бошқасига уйланганимдан сўнг, бу келин ҳам ёмонотлик бўлди. Демак, айб фақат хотинда эмас экан. Шунда мен онамга: «Аввалгисини ёмон деддингиз, бешта боланинг уволига қолиб ажрашдим. Бунисини ҳам холи-жонига қўймай, асабини эговлаясиз бекордан-бекорга. Энди бизни тинч қўйинг, тинчгина яшайлик», - дедим. Эртасига онамнинг «топшириги» билан укаларим келиб мени роса дўппослашди. Чап кўлим синиб, ўнг кўлимнинг кўрсаткич бармоғи ишдан чиқди. Бошим лат еди. Касалхонага етиб даволанишга тўғри келди. Томдан йиқилдим, дея важ кўрсатдим. Жигарчлик, деб асл сабабини айтмадим.

Аламазда йигитнинг дарду ҳасратини тинглар эканман, хўш, бунда ким айбдор, деган саволга жавоб излардим. Бу ерда бирдара хулоса қилиш, ҳукм чиқариш қийин. Бунинг учун онанинг, келинларнинг, укаларининг бирваракайига фикрини тинглаш керак. Шунда ҳам ҳаммаси ўзича ҳақ эканлигини исботлашга уринадим.

Умуман ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатни қўлиб-қолиб, ё эҳсон асосида муҳокама қилиш ҳам бизнинг ўзбекчиликка тўғри келмайди, аслаб.

Мен ўзимча шундай хулосага келдимки, бу оилда маънавий муҳит ўзи азалдан тоза эмас. Акс ҳолда (ўша йигитнинг арзи-га кўра фикр юритамиз) она икки келинни ҳам азобламаган, укалар акасига мушт кўтармаган, қолаверса шу йигитнинг ўзи ҳам ўз волидаи муҳтарамаси устидан арзи дод қилиб келмаган, унинг устидан мағзава ағдармаган бўларди. Ақлли, фаросатли йигит онаси ва хотини ўртасида тарози палласи бўлиши, уларни мурсою мадорага келтириши лозим. Аёлини эъёозлаши, онасини эса бошига кўтариши даркор эди у.

Она барибир она-да. Уни ёмонлаш, Худога шак келтириш билан тенг, дейишди. Халқимизда: «Ота-онанг девона, жинни бўлса, боғлаб бок», деган ҳикмат бор. Бу нима бўлса ҳам уларни бок, парвариш қил. Аммо, шаънини булгаб, доврўғани дoston қилиб юриш фарзандлик бурчини англаган инсонга тўғри келмайди. Яна ҳам билмадим. Бу менинг фикрим ҳолос. Сиз нима дейсиз азиз муштариёлар?

Хайрулла ХАМРОЕВ



**Бу ўлканинг ўғлонлари**  
Алломишдан ўтади,  
Бир хайқирса овозлари  
тоғу-тошдан кўчади.  
Еганлари ширмой кулча,  
ёғли патир, майиз, қанд,  
Тонг сахарлаб чўпон берган  
оппоқ сутлар ичади.

Сурхондарё вилояти, Бойсун туманига қарашли «Бойсун» ширкат хўжалиги аъзоси Усмонжон Тошев эсини танибдики мана шу тоғу-тошларда қўй-қўзилар боқиш билан машғул. У ўз касбини жуда яхши кўради. Ахир мана шундай бепоеён тоғу-адирлар ичра яшаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди-да.

Сувратчи - И. САТТОРОВ

## ҚИЗЛАРИМГА ДЕГАНИМ

1. Қизим! Уйим - Ватанимнинг бир бўлаги бўлган маконимнинг кун сайин ўсиб, гул очиб бораётган гули-чаманисан. Менинг ва онамнинг - Истиқболли қизимизсан! Унутма! Сен чин инсон бўлишинг, элнинг меҳр нурига тўлишинг керак. Шунинг учун меҳнатга енг шимариб, ишлатгин билал. Эл-юртинг учун мудом очиқ бўлсин юрак, бизга шунинг керак она қизим!

2. Қизим! Элимнинг бир ривояти-ҳақиқатида айтилишича, ёш келинчақнинг уйига, турмуш ўртоғининг дўстлари ташриф буюришибди. Орадан 2 ойларча ўтгач, яхшигина зиёфат қилибдилар, ичимлик тановул қилиб бўлингач, кўёв завжасига чой дамлаб келишини айтибди. Келин катта темир чойнакка чой дамлаб келиб, чойнақнинг озгини олиб, пиёлани чойнақнинг ичига тикиб, икки-уч марта қайтарибди. Кўёв туранинг дўстлари билмасликка олсалар-да, лекин кўёв завжасининг бу иши-

### Тарбия соати

дан уялибди. Кўёв меҳмонлар кетгач, орадан икки кун ўтказиб, завжасини юқоридаги ўринсиз ҳаракатидан қайтармоқчи бўлиб, гап қотган экан, аёли паст кетмай, ўзининг қилмишини тўғри деб туриб олибди-да, жанжал кўтарибди. Кўёв аврабди ҳам бўлмабди, сўнг кўёв ортиқча масала қилиб ўтирмай, севилиб, севилмаган завжасига талок хатини бериб, ота-онасининг уйига ўз ўли билан элтиб қўйиб келибди. Энди, она қизим, ривоят-ҳақиқатнинг мазмунига тушунгандирсан? Қиз, ота-онасининг уйида қандай тарбия кўрганлигини. Балким, қуш уясиди кўрганини қилгандир. Шунақалардан эгамнинг ўзи, дариг тутсин, қизим!

3. Қизим! Библи ол! Уй, ҳовли-жойни супургиб, ахлатни ўша заҳоти олиб махсус белгиланган жойга элтиб жамлаб қўмадилар. Ифлослик кўмилиб кетсин, деб. Дераза ромларини, шишаларини ҳафтада 2 марта, эшикни кун аро артиб туриш шарт! Супурги, ўчоқ бошидаги тандир қосови, белкураклар тик қолдирилмайди, бунинг муслмончиликда ҳосяятсиз санайдилар, қизим!

4. Қизим! Ошоҳонадаги идиш-товокларни, қошиқ, чўмич, пичоқларни овқатдан аввал ва кейин ювиб, артиб қўядилар. Ювилмаса, рўзгордан қут-барақа учади. Ювилган идишлар, ҳамма нарсалар, куруқ латтада артилиб, усти ўралиб қўйилади. Усти ўралмаган идишни Шайтон (ўргимчакдир) ҳаром қилади, деган ақида бор, бунинг унут-май! Шайтон-инсон салооматлигининг ганимлари бўлади, она қизим!

5. Қизим! Ҳар доим дастурхон нони билан ўралиб, мушук, ит теғмайдиган жойда сақланади. Агар дастурхон устидан ит, мушук... одам ҳатлаб ўтса, нонга ифлослик ўтади. Нони билан ўралган дастурхон, рўзгорга қут-барақа, тўқинчилик, серобчилик олиб келади.

6. Қизим! Бозор оқшомлари дастурхондаги майда нон ва

увоқлар, қўл билан олиниб, махсус жойда сақланади, итга берилади. Бу оқшом дастурхон қоқилса, хайру барака ҳам сочилиб чиқиб кетади, деган ақидалар элда сақланади.

7. Қизим! Тийув-тийилув-одоб. Бу ота-она рўзгоридан бошланиб, кўёв рўзгоридан эса амалиётга ўтади, у ерда ҳар сонига имтиҳон топширишинга тўғри келади. Имтиҳон олгувчилар кўёв туранинг оғаниларни, уларни сезмайсан!

8. Қизим! Кўёвнинг оға-инилари, кўёвга ким бўлса сенга ҳам худди ўша, шу! Улар энди сендан ўрғанади. Уларнинг қалбига кириб боролсанг, сен уларга ҳам янга, ҳам онасан она қизим!

9. Қизим! Ҳар қандай ҳолда ҳам сен ҳақингда гап кетгудек бўлса, тилингни ҳам, ўзингни ҳам тийиб ол! Сабр-бардошингни ишга сол! Ахир, сенга берилган ҳар қандай баҳо, биринчидан онангга, сўнг менга бедан уялибди. Кўёв меҳмонлар унутма, она қизим. Сен онанг билан менинг умр-хаётимиз ойнасисан! Юзи доғ бўлган ойнада одамнинг чеҳраси кўринмайди, шуни унутма, уқиб ол! Она қизим, оқлагин тузим!

10. Қизим! Молни сотадилар, қизни кўёв билан тош бўл деб, ота-она юрагини бериб, отадилар, борган ерингда униб-ўсиб, бог, чорбоғ бўл деб... Сен менинг юрагимсан. Сенинг бирор еринг оғримасидан олдин, аввал менинг ўша ерим оғрийди, бу менга сезилади, уйкумга кирасан. Вали эмасман, отангман! Сен гоҳо ёшлик қилиб мендан яширишинг мумкин. Лекин менинг сени деган виждоним яширолмайди, менга аён қизим! Сенинг кўзингда ёш кўрсам, мен ўзимни бу юртда бебош кўраман. Тириклайин кул бўламан, қоламан. Уйлачи, она қизим? Кулнинг кимга кераги, наъфи бор?

11. Қизим! Сунъч тоғларим сизлар! Тоғимда чўққилар кўп. Забт этмоқларинг керак. Тоғ бўриси бўлмайди. Бўри ҳам, қўйлар ҳам тоғда ашайди. Бўрилар рақибларинг-тилинг! Қўйлар-инсонларга меҳринг! Демак, қўйлар кўп. Бўрилар, аҳил қўйларга ҳужум қилишдан кўркиб турадилар, чунки чўпонлар сергак, касбини севади. Чўпонлар-турмуш ўртоғинг, уларнинг из-мидан чикма! Сен учун жавобгардир, ул зот! Чунки муслмончиликдан мулланинг олдида онт ичган... Бахти Эргаш Атонинг қизини, аёлликка қабул қилдингми? Учинчи бора сўраганда, мулла олдида «Ҳа!» деган кўёв! Бу қалб сўзи — чўпонники! Чўпонсиз, эгасиз юрган қўй бўрига ем бўлади, она қизим!

(Давоми бор.)

Эргаш АТОЕВ  
Ўзбекистон халқ  
маорифи аълочиси,  
нафақахўр.

Навоий вилояти  
Қизилтепа тумани  
«Тошрабат» ш.х.х.

- Ёшинг бир жойга борганда бировга дардингни айтиш жуда оғир бўларкан. Лекин на илож.. Инсоннинг бошига кутилмаган ишлар тушар экан. Мен кўп йиллар жаррох бўлиб ишладим. Хозир ҳам ишлайман. Одамлар шифо истаб келишганда кунни тунга улаб уларнинг вужудидан оғриқли аъзоларини қирқиб ташлаб

римга уларнинг йўғини билдирмай ёрдам берардим. Бу эса хотинимга ёқмасди. Масалан, байрамларда бориб укаларим, келинларим ва жианларимни совғалар билан йўқлашим унинг газабини келтирарди. Мен эса бошқача йўл тута олмасдим. Ваҳоланки, ота-онамнинг ҳеч кими йўқ

**ТАШРИФЛАРИНГИЗ...**

ди келди қилмай, орани очиқ қилсам муомиласини ўзгартиришини айтди.

**- Сиз бу шартга рози бўлдингизми?**

- Табиийки, мен бундай қила олмасдим. Агар шундай қилсам укаларимни менга ишониб кетган ота-онамнинг руҳини чирқиратган бўламан. Бундан ташқари ўзим ҳам уларни кўрмасдан тура олмайман-да. Ахир улар ҳам, келинларим ҳам жуда яхши. Болалари ҳам. Билмадим, нега хотиним улар билан ҳам ҳеч чиқармайди. Хотиним муроса қилишни истамаса-да, улар хотинимни байрамларда йўқлаб туришади.

**- Тўйда муносабатларингизни ҳамма билдимизми?**

- Тўй арафасида хотиним ҳеч кимга сир бермади. "Адажониси" деб атрофимда парвона бўлар, мен хайратлансам-да, аҳамият бермасдим. Хуллас тўйлар ҳам ўтгач, яна ўша, "Эски-ҳаммом, эски тос", деганларидек... Қовоқ-тумшугини осиб олди. Келинларимнинг олдида буни билдирмасликка ҳаракат қиламан. Аммо, барака топгурлар зийрак қизлар экан, дарров сезиб олишибди. Мени яхши кўришади. Ачинишади. Менинг эса баъзан хўрлигим келади.

**- Ҳар ҳолда сизни бу ерга бошлаб келган муаммони айтмаяпсиз...**

- Кеча кутилмаганда хотиним келди. Мен ишдан келиб чой ичаётгандим.

**- Хатосини тушуниб кечирим сўрагани келдимизми?**

- Эҳ, қани эди шундай бўлса... У ажралишмоқчи эканлигини айтгани келибди. Ахир шу ёшда-я... Озми, кўпми эл орасида хурматим бор. Кудаларим нима дейди. Одамлар эса тўйда унинг менга қилган ширин муомаласини кўришган. Энди айбни менга қўйишлари ҳам мумкин. Бир гапни кўп эшитгандим. Илондан чаён ёмон. Илон-ку, вишиллаб қақишга ошқора ҳаракат қилади, чаён эса зимдан нишини санчади. Хотиним худди шундай қилапти ҳозир. Энг қўрққан нарсам, бу ундан ажралиш эди. Ўғилларим ҳам буни эшитиб роса хафа бўлишибди. Нима қилсам экан? Ёки жигарбандларим, укаларимдан кечиб шу хотинимнинг айтганини қилсаммикан?

Бундай ечими йўқ савдога қолганлар бўлса, қандай йўл тутишган экан? Ана шундайларнинг маслаҳатларини бир эшитсам дегандим.

Мусибат кутилмаганда ёшни қариға, қарини ёш болага айлан-тириб қўйиш ҳеч гап эмас. Ҳар қандай вазиятда ҳам унга ён бермаган маъқул. Лекин хоҳлаймизми, хоҳламаймизми у бизни енгшига ҳаракат қилади. Оёғимиз тойса бас, унга шуни ўзи қифоя. Қурагимиз ерга тегдими, ғалаба уники. Бугун таҳририятимизга 23 баҳорни қаршилаган ўрта бўйли, хушсурат бир йигит кириб келди. Кўринишидан хушқакчақ кўринса-да, у ҳам юқорида таъкидлаганимиз - мусибат билан юзма-юз келибди.

- 4 сентябр болалигимга нуқта қўйилган кун бўлди, - дея гап бошлади ўзини Мўминжон деб таништирган қўқонлик муҳлисимиз.

- Ушунда 7-синфга кўчгандим. Мактабда китоб тарқатишаётганди. Китобларни олишга ҳам улгурмадим. Бир бола келгани билан олтамдан ўтгани ҳақдаги

либ, отамни хабарни етказди, - дея овози қалтираб кетди.

- Уйга

**ОТ**

қандай борганимни ҳам билмайман. Отам қирчиллама қирқ ёшида кетдилар.

Иккита укам, битта синглим бор. Онажоним бир қаноти қирқилган қўшдай кўкрагини кўтаролмай қолдилар. Ўзимни кўлга олдим. Отам ҳаёт пайтида кўнглим кўчада кўларди. Ўша кундан бошлаб кўчани йиғиштириб қўйдим. Футбол жону дилим эди. Тўп ҳам кўзимга кўринмай қолди. Нима қилсам рўзгорга фойдам тегади, онамнинг ўқисқ қалбига малҳам бўламан, - деб ўйлай бошладим. Мактабни битириб ўзимни тижоратга урдим. Йўқ, мендан тижоратчи чиқмас экан. Тез орада банкрот бўлдим. Мана ҳозир ишларим яхши. Кишлоғимиздаги бир дурадгорга шоғирд тушдим. Шунга ҳам бир йилча вақт бўлиб қолди. Топганимни уйга олиб бориб онамнинг қўлига бераман. Онам жуда хурсанд. Отамнинг бевафоти туфайли мен ўқий олмадим. Энди укаларимни синглимни ўқитаман. Улар менга бошқача меҳр билан қарашиди. Отамнинг ўрнини билдирмасликка ҳаракат қиламан...

Йигит бир муддат жимиб қолди. Ўртадаги жимликни бузиш ниятида кўнглининг нозик пардаларини атай чертаман.

**- Ҳарбий хизматни ҳам тугатиб келибсиз. Бу ёғи энди орзу ҳавас, қасир-қусур тўй ҳам яқин бўлса керак. Кўз остига олиб қўйган қизингиз борми?**

- Бору, у хали нима дейди? - дея йигитнинг кўзлари чарақлаб кетди.

**- Сиздан садо чиқмаса, у нима дерди. Ўғил бола дадил бўлиши керак.**

- Шу дадилликка вақт тополмаган-да. 2-3 ой устачилик иши билан қийлоқдан чиқиб кетамиз. Уйга бориб ҳафта, ўн кун нафасни ростлаб яна иш.

**- Э, ука, ким ишнинг тубига етибдик, сиз етасиз. Темирни иссиқга босган маъқул. Бир кун келиб ўғил-қизларингиз ёнингизга кириб қолса, ютүқ сизники. Бу эски арава ишинг гилдирагини ҳеч ким тўхта-толмаган, сиз ҳам тўхта-толмайсиз. Кечирасиз, таҳририятга келишингизнинг боиси нима эди, аслида?**

- Очиги, отам ўлгандан кейин ўқишга ҳам қизиқмай қўйгандим. Саводим ўртача. "Оила ва жамият"ни севиб ўқийман. «Хотира-муқаддас» рўқнадаги мақолаларни ўқиганда отам кўз ўнгимга келаверарди. Мен ҳам отамнинг руҳини шод этиш учун ёзаёй дейману, ҳеч қўлимдан келмайди. Шунга йўл-йўриқ кўрсатсангиз.

- Мўминжон, мана шу келишингизнинг ўзи ҳам отанингизга бўлаган эҳтиромингиздан оқилолотиб. Отанингизнинг руҳи доим сизнинг ҳамроҳингиз бўлиб қўллаб-қувватлаб юрибди. Отанингизга, укаларингизга кўрсатаётган гўлхўрилингизни қийлоқдошларингиз, қолаверса худдо кўриб турибди. Сизга тилашим, шу йўздан адашманг. Ўқимадим, энди укаларимни ўқатаман деб ҳеч ўқиманг. "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин", деган нақл бор. Менга айтган гапларингиз рост бўлса, сизнинг ҳеч кимдан камлик жойингиз йўқ. Олим бўлсангиз, ўз жигарларингизни оёқ учида кўрсатсангиз, "хайф сизга" деган бўлардим. Қани энди ота-онасининг қаноти остида гариллаб юрган, калондимоғ бағзи бир йўзилар сиздан ўрнак ола.

Халқимизда "От ўрнини той босар", деган нақл бор. Мўминжон ҳам ана шундай ўғиллардан бири. Ота ўғил аслида шундай бўлади-да...

Тоҳир НОРИМОВ

**БИЗ ОМОНАТ,**



эди. Улар эса фақат менга суянишарди. Лекин, ўзлари ҳам эпдиккина, касб-хунарли йигитлар бўлиб ўсишганди.

Мен уларни эсласам укаларим мендан ҳам ортиқ қилиб бизни йўқлаб келишарди. Ва бу ҳам хотинимнинг энсасини қотирарди.

**- Оилангизга совуқчилик шу туфайли тушдимизми?**

- Очиғини айтсам ўзимдан ҳам айб ўтдимикан? Азбаройи уйга келиб хотинимнинг тўмтайган башарасини кўрмаслик учун

**СИЗ ХАМ ОМОНАТ**

даволайман. Қани эди ҳаётда ҳам инсон қалбига оғриқ бергучи иллатларни кесиб олиб ташлашнинг илоҳи бўлса?... Баъзи бир нарсалар борки, ўз яқинларингдан кўра сени умуман танимаган одамларга ҳасратингни айтганинг маъқул. Чунки, яқинларинг сенга ачинаётганини, аммо хафа қилиб қўйишдан кўрқиб очиқ гапни айтмасликларини сезиш ҳам қийин экан. - деди Самад исмли киши ўз муаммосини сўзларкан.

**- Инсон аслида ана шу муаммоларни енгши учун яшайди, шундай эмасми? - дедим.**

- Тўғрику-я, қани эди фақат курашиб енгиб яшайверганимизда...

- Мен ўқишни битириб келганимда ота-онам аллақачон бир қизга унаштириб қўйишганди. Уйландим. Оиламизда катта фарзанд эдим. Тўртта укам ҳам бор. Улар ҳам топган пулларини ота-онамга бериб, мени ўқишимга, шунингдек уйланишимга ҳам ёрдам беришди. Ёрдам бериш менинг навбатим эди.

**- Сиз шундай қилдингизми?**

- Ҳа, аммо бу унчалик осон эмасди. Мен янги ишга келганман. Ҳар ҳолда ёшман, янги шароит, бунинг устига тажрибасизлигим боис ишда қийинчиликлар ҳам диққатимни оширдари. Бунинг устига фарзанд кўрганмиз, денг. Хотиним билан дурустроқ гаплашишга вақтим ҳам бўлмасди. Моддий шароит туфайли икки сменалаб ишлардим. Уйга келардим у ўзимни ташлаб ухлардим. Хали турмасимдан яна машина билан олиб кетишарди.

**- Оилавий муаммолар шу пайтдан бошландими?**

- Йўқ. Тўрт укам уйланди. Бу пайтга келиб мен ота-онамдан алоҳида яшардим. Алоҳида бир ховлича сотиб олгандим. Яхши жаррох сифатида анча танилгандим ҳам. Ота-онам эса дунёдан ўтиб кетишган, мен укала-

икки ҳиссалаб ишда қолиб ишлардим. Ишхонамнинг ёнида бир рус оғайним яшарди. Хотини ва болачақаси Россияга кетган, у ерда ҳам ҳовли-жойи бор эди. Касал бўлиб қолганда ўзим кечаю-кундузи бошида ўтирдим. Шу тўзалганида хотини келиб олиб кетди. Аммо, уйларишни менга совға қилиб ташлаб кетишди.

Ишхонам билан уйнинг орасидаги девордан эшик очилгани учун ёрдамим зарур пайтда, тундами тонгдами чақириб келишаверарди. Хотинимнинг аччиқ-тизқиқ гаплари жонимга теккани учунми шу ерда яшай бошладим. Аммо, ҳар кун уй-рўзгорим учун бозор қилиб, пул бериб келардим. Бу орада ўғилларимга яхши одамларнинг қизларини унаштирдик. Тўйдан олдин хотиним билан очиқчасига гаплашиб олишга қарор қилдим. Ундан бундай қилмаслигини ўтиниби сўрадим.

**- У кўндими?**

- Агар мен укаларим билан бор-

**Самад ака кетди. Мен эса Самад ака айтганидек, унинг ўзига айта олмаган сўзларимни унинг хотинига айтгим келди. Бир пайтлар қишлоқда бир кампир бўларди. Ўғли уйлангач шаҳарда қолиб кетган, йилда бир марта келиб онасини кўриб кетарди. Келишга келин, боришга эса кампир кўнмасди. Шу кампир кўча эшиги олдида ўтираркан: "Қизил юз пайдо бўлди, қизил юзимдан айирди, Юрагимдан ўстирганим, боламини мендин айирди", дея йиғлаб ўтирарди. Унинг шу хиргойисини эшитгимиз келиб пойлардик... Бу нима дегани экан? - дея ўйлардик. Йиллар ўтгач тушундик. Тинч-тотув оилалар келин олишгандан кейин энг жанжалли оилаларга айланиб қолиши ҳам сир эмас. Лекин, оилани деб жон-жигарлардан қандоқ қилиб кечиб мумкин? Ахир тўй-маъракаларнинг файзи шулар билан эмасми? Ака-укалар бир-бирининг кўргони, яхши-ёмондан ҳимоя қилишади. Опа-сингиллар эса бир-бирининг сирдоши, маслаҳаттўйи. Ҳаммаси тўнғич фарзанда қараб иш тутишади. Агар у оқибатли бўлса ҳам-мани атрофига йиғиб, тўйларига бош бўлади. Агар тошмеҳр, беоқибат бўлса-чи? Жигарининг тўйида бегонадек безаройиб ўтираве-ради. Самад ака эса оқибатли ака экан. Қошу киприк орасида ўтгучи умрда дийдордан бошқа нима ҳам қолади? Шундоқ ҳам кўп нарсадан мусувомиз ахир. Бахт ярим, давлат ярим бўлса бўлсин, яшашга куч топамиз. Аммо, кўнғил ярим, дийдор ярим бўлса-чи? Айриликнинг аччиқ изтироби ҳеч кимнинг бошига тушмасин.**

Камола МАЛИКОВА

# ЎРИНСИЗ РАШК - УМР ЭГОВИ

«Барчаси рашк туфайли» - 24-сон

**ЭСЛАТМА:** Отам автохалокатдан вафот этганлиги учун онам биз етти фарзандни ёлғиз ўзлари вояга етказдилар. Яхши бир қизга уйлантирдилар. Икки фарзандимиз бор. Хотинимнинг ўта рашкчилиги туфайли жahl билан бошқа бир аёл билан танишдим. Ҳозир уни жуда севаман. Лекин иккала фарзандимнинг жисмида жоним яшайди.

Л. АХМЕДОВА

**Ш** у 73 ёшли умрим давомида қанча-қанча оилалар ҳаётига ўринсиз рашк балоси раҳна солиб келгани, дили ёнган аёл ёки эр шу рашк туфайли асалдек ҳаётини барбод этгани, ёки фарзандларини кўзи қиймай, уларнинг парвариши билан овунчи яшаб кетганининг гувоҳи бўлганман. Кошқийди, бўлмаган нарсадан бир талдай гавго чикарадиган эр ёки аёл рақибини куйдириш билан чеklangан эди. Аслида шу рашк ўтида ўзи ҳам жижған бўлиб қоврилади! Эҳж... «Ут тушсин ана шундай ўринсиз рашкка», дея ҳайқиргинг келади уларга.

Одатда кўпроқ эрлар рашк қиларди. Мақоладаги тафсилотга қўра аёл тулпа-тузук эрини бўлар-бўлмасга рашк қилавериб, жонидан туйдирибди. Йигит рашкчи хотиндан ўч олиш учун гўзал, ораста кийинган бир аёл билан танишибди. Ўз ишсиз қолганлиги сабабли ўз ёнига ишга ҳам жойлабди. Бу ҳам етмаганидек машинасида ишга олиб бориб, қайтишида уйига кузатиб қўя бошлабди.

Ўч олиш бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ўша аёлнинг барча тутумлари, тузатишган дастурхони, пиширган таомлари, атрофдагилар билан муносабати, фарзандига муомаласи - ҳаммаси бу йигитга ёққанидан: «Бу аёл меннинг хотиним бўлиб, иккала фарзандимнинг ҳам у туққан бўлса», дея орзу қилибди. Шунда ҳам жонининг эгови бўлган рашкчи хотини ва жонидан ортиқ севган фарзандлардан кечишни ҳаёлига ҳам келтирмабди. Бизнингча, ўша рашкчи аёл эрни ҳурмат қилишни, вақтида кийим-кечагига қараб, фарзандларини меҳр билан тарбиялашни ўрганса, бундай бахтсизликка учрамасми? Эрининг шимини дазмоллаганда ҳар томонидан саккизта чирик чикара оладиган аёлдан қандай муруват қутиш мумкин? Муштарийларимиз ёмон аёлни яхшисига солиштириб, ҳаётий хулосага эга бўлишга ажаб эмас. Бу аёл ўринсиз рашк билан умрини эгавлаш ўрнига мулоҳаза билан иш тутса севибли яшарди.

Афифа ҲАСАН қизи

**М** енинг ҳам 5 нафар фарзандим ва жондан ортиқ севган эрим бор. Турмуш ўртоғим давлат ишида ишлайди, ишдан кеч қайтганида, ёки бирга юрганнимизда чиройли аёлларга қараса рашкдан ёрилиб кетай дедим. Ҳозир 36 ёшданам, турмуш ўртоғим 38 ёшда. Кўркам, келишган ҳар қандай аёлни ўзига қарата

**М** ен «Оила ва жамият» газетасини оилавий ҳаёт куриш учун тайёрлов курси деб биланам. У орқали ўзимни оилавий ҳаётга, келажакка тайёрлаб бораман. Мақолани ўқиб қизиқ уйга толдим. Мени уйлантирган нарсаси орасталик мавзусидир. Баъзида кайфиятим бўзилиб турган бўлсам, ўзига қараган, чиройли кийим кийган қизлар, аёллар йўлимда учраса, руҳиятим енгил тортиб, табассум билан йўлимда давом этаман. Бундай қиз-жувонлар, нозик дидлари, аъло хулқ-атворлари билан қанчадан-қанча инсонларни ўзларидан таралиб турган турли билан ҳушуд этадилар. Тўғри, ўзбек аёлларининг ташвиши кўп бўлади. Баъзида пардоз-андозга вақтлари бўлмайди. Лекин қадимдан «Онангни отанга пардозсиз кўрсатма», деган нақл бежиз айтилмаган. Қўли ширин, меърида ўзига оро берган аёлларни, ақлу-хуши бўлган эркак зоти ташлаб кетмайди. Шундай экан ҳар қандай аёл хоҳ у шарҳда ёки қишлоқда яшасин ораста бўлиши шарт! Шунини ишонч билан айтишим мумкинки, бундай фаришталар аёлнинг умр йўлдоши у билан мағрурланади. Эркак киши учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак. Мен энди 20 ёшга тулдим, балки фикрларим хатодир. Ўзимдан 15-20 ёш катта инсонга маслаҳат беришдан жуда-жуда йирокман. Лекин Оллоҳ насиб этиб, оила курсам умр йўлдошим ораста ва пазанда бўлишини жуда истардим. Гўзаллик эса... Ораста аёллар ҳамиша гўзал бўлишади. Кузатишларимдан бунга тўла ишонч ҳосил қилганман.

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри

**Т** урли хил муаммолар чиққанда ҳам оилани сақлаб қолиш эр ва хотиннинг шарафли бурчидир. Баъзи оилаларда шудай тупалонлар бўладики, (айниқса эр ичиб келса) инсон боласи аранг дош беради. Шунга кўра, сизларнинг орангиздаги жанжал ҳеч гап эмас. Сув бир лойқаланиб сўнг тинади. Эр-хотиннинг ўртасидаги гаплар лов этиб алағна олмасин. Гап-сўзни тезроқ тўхтатиш керак. «Эр-хотиннинг уриши, доқа рўмонлиқ қуриши» даражасидан ошмаслиги керак. Асаблар тарагнашиб, зўриқиб хулатига келмасин. Мен бу уринда йигитга айтадиган гапим бор: Ука, ҳадеб хотинингдан нолима. Икки фарзандинг хурмати шу хотининг билан келишиб, яшаб

олади. Лекин унга ишонганим учун фақат соғлиқ, узок-умр, ишга кетаётганида худодан ўз паноҳида асрашини, иймону-инсофдан айирмаслигини, ўз оёғи билан кетиб, ўз оёғи билан ишдан уйга қайтишини тилаб ўтираман.

**Х** алқимизда «Рашк ҳар қандай инсоннинг кўзини кўр қиларди», деган гап бор. Укамизга маслаҳатим, биринчи аёлнингизга, яъни кўз очиб кўрганнингизга қайтинг. Ҳеч қачон иккинчи хотин, биринчисидай вафодор бўлолмайди. Ҳозир пулингиз, мансабингиз, ёшлар ва ҳуснингиз бор, шунинг учун иккинчи аёлнингиз сизга

меҳрибон ва гамхўрдир. Эртага қарийсиз, битта пенсияга қараб қоласиз, қўлингиздан обрў, пул, хусн ҳаммаси кетлади. Ушанда иккинчингиз сизни кўчага ҳайдайди. Қолаверса икки ширин фарзанднингизнинг кўз ёши сизни кўр қилиши мумкин. Хотинингизнинг яхши фазилатлари ҳам бордир, ахир. Янаям яхшилаб ўйлаб кўринг. Хотинингизнинг рашк қилишига сабаб — сизни севгани, бошқалардан қизганганидандир. Ҳеч бир аёл севган кишини ўзга билан баҳам кўришни истамайди. Хуллас, бу ўтқинчи, синов дунёда фақат ақл билан иш кўришингизга тилакдошман:

Кибора АБДУАЗИЗОВА Самарқанд вилояти Челек тумани

**Б** у йигитга шундай демоқчиман: Инсон ўйламай босган одими билан ўзигагина эмас ўзгаларга ҳам бахтсизлик келтириши мумкин. Оилангизга бахтсизлик келтирмаган. Емон бўлса ҳам хотинингиз ва кўзи мунчоқ болаларингизни ташлаб кетманг. Ҳар қандай шариотда ҳам рўзгорни бузиб юборишга шошилманг. Тирик етим яшаётган болалар сони кўпаймасин. Аёлнингизга айтар сўзим: - Рашк қилишини бас қилинг. Рўзгорни сарамжон-сарингиз тутинг. Оилангиз дарз тутишига йўл қўйманг. Айбни эрингиздан эмас ўзингиздан изланг. Баъзан одамнинг у ер бу ери лат эса, қизигизда билинмайди. Сал фурсат ўтгач, орғиқ азоби исқанжага олади. Ҳозир болаларингиз кичкина. Улар катта бўлганида: «Отам ким, қани», деганида нима деб жавоб бериш? Яхшилаб ўйлаб кўринг.

АНВАР Нигора ЗАРИПОВА

«Уйни уй, жойни жой қиладиган — хотин», деган гапни билсангиз керак. Бундан кейин эрингиз болаларнинг кийимларини ювиб юрмасин. Сиздек хотини бўла туриб бундай юмушларни қилиши гала-тироқ туюлмайди! Мана ўзингиз бориш, ҳар ишга тайёрсиз. Шундай қилинг. Болаларингизни ювиб-тараб, чақмоқдай кийинтириб қўйсангиз, эрингиз ишдан келиб кўриб, завқи ошмайди! Уйни тоза тутиш ҳам бир хотиннинг ҳавас қилмайдиган ишидир. Аввало уйда тартиб, озодалик биринчи даражада туриши керак. Эрингиз ишдан келганида ҳамма ёқ чинидек тоза бўлса, кайфияти хуш бўлади. Эр-хотин ўртасидаги бўлиб ўтган бу муносабат — отилмаган

**Й** игитнинг хотинида дилини эзадиган рашк қандай шариотда пайдо бўлган? Бунга ким сабабчи? Шунга чукўр ўйлаб кўрайлик. Бу рашк келиб чиқишида эрда аиб йўқ, деб ўйлайсизми?

Қўшимча (у йигит ёшида) жамоаси билан туристик автобусга Фарғона водийсига боришади. Йигитнинг хотини бирга боради. Кун иссиқ. Йўлда хотини чанқабганини айтади. Эри жеркиб, жим ўтиришни буюради. Лекин бир оз вақт ўтгач, келишган бева бир аёл сув ичгиси келаятганини айтса, ўша эркак автобусни тўхташиб, шу хотинга сув олиб келиб беради. Хотини эридан нафратланиб дилади: «Сенга мендан шу беғона аёл афзалми», деб ранжийди. Ва хотини дилади рашк ўти ёнади.

Яна бир мисол: кўшим хотининг туғилган кунига бирор марта ҳам гул кўтариб келиб табрикламаган. Аммо уларнинг уйига бир рус хотин ишга жойлашмоқчи бўлиб келганида ўша эркак бу хотинга хушомадлар қилиб, унга богдаги гулларни териб ҳада этади, хотинга «Сан уйга кириб ўтир», деб дўқ уради. У беғона хотин олдида ўзини шунчалар бақкана тутадими? Сиз асти қўя беринг. Энди мақола қаҳрамониغا қайтсак...

Хўш, ҳурматли йигит ўзингизни айбсиз ҳисоблаб аёлнингизга нисбатан ҳўнёт йўлга ўтдингизми? Рашк учун уни шундай жазоламоқчи бўлдингизми? Сиз ҳақмисиз? Агарда ҳақ бўлганнингизда сиз шу йўлдан юрмас эдингиз, фарзандларингизни севар экансиз, уларни ўйлаб аёлнингиздаги камчиликларини кеңира олардингиз.

Ҳурматли йигит. Сиз хотинингизни бозорга, кинотеатрга олиб борганмисиз? Оила мўқаддас. Тагин: «2 та фарзандимни севаман», - деб ёзибсиз. Онасичи? У ҳам ердан қизмаган, инсон боласи. Сиз шуларни ўйлан! Ундан ташқари маҳалла-қўй, қўни-қўшни, қариндош-уруғ олдида нима деган одам бўласиз. Бу ўтқинчи «эркин муҳаббат» савдосидан воз кечинг! Ички ишлар бўлимида ишлар экансиз, сиз обрўли, халқ орасида ишончли одамсиз! Оилада ҳам ишончли бўлинг! Хотинингиз камчиликларини йқотишга, уни тарбиялашга ҳаракат қилинг. Ўзингиз етимликда ўсгансиз, болаларингизни ҳам тирик етим қилманг! Аёл хотининг қалби нозик. Агар сизни хотинингиз кеңира олмаса, ўзингизга жуда қийин бўлади. Имкон борда ақлу-хушингизни йғиб олинг.

Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи Тошкент

фарзандли бўлган эдим. Бундан 4-5 йил олдин, ҳовлидан анча нарида ҳайбатли бир дарахтга кўзим тушгандай бўлди. Яхшилаб эътибор берсам, ўша мен эккан, отам қадок қўллари билан менга келтириб берган ёнғоқ дарахти эди. Ёнғоқнинг олдига борсам, жуда-ю ҳайбатли, қучоғи бир қулоқ, танасини силадим, худди отамнинг қўлларини силагандай бўлдим. Иккинчисини изладим, тополмадим, онамининг айтишича, оғилхона учун жой керак бўлганда кесиб ташлашибди. «Бу ёнғоқ ҳам анча ҳосил бермади. Аканг кесиб ташламоқчи эди, мен қайтардим, шунданми бу йил ҳосилга кирди», - дедилар онам. Ҳақиқатан ҳам ёнғоқ гуж-гуж ҳосилга кирган эди. Мени эккан деб онам ҳар йили ёнғоқнинг ҳосилидан бериб турадиган бўлди. Ўзим емасам ҳам, фарзандларим еса, қалбим қувончларга тўлиб кетади, отамнинг қилган

ишларининг саваби тегаетганлигидан хурсанд бўламан. Ҳар сафар қишлоққа борсам, ихтиёрсиз ўша ёнғоқга кўзим тушади, ёнғоқни кўрсам отамнинг ўша ҳолати, ёнғоқ тутиб турган ҳолати кўзимнинг олдига келади. Келади-ю, отамни чўқур бир ҳаяжон, соғиниш билан эслайман. Ёнғоқ билан боғлиқ бўлган болалигим ҳам эсдан чиқмайди. Отамни, болалигимни, қўлимдан келса, бир бор қайтаргим келади. Ҳаваскор шоира, Раҳима исмли бир синфдошим бор. Унинг «Болалик» ҳақида ёзган бир шеъри менга жуда ёқади. Мана ўша шеър:

**МОХИТОВ**  
**Термиз шаҳри**

## БЕГУБОР ДАМЛАРГА ҚАЙТГИМ КЕЛАДИ

боис отамдан бироз хайкиб турардик. Ўша ёнғоқ кўчатини олиб келганда, отам нафақадан, соғлиқлари анча орқага кетиб қолган эди. Ёнғоқларни унинг қичкишига ишонмай экдим. Буни қарангки, иккаласа ҳам униб чиқди. Худди ёш боладек роса хурсанд бўлдим. Орадан ҳеч вақт ўтмай, отам вафот этдилар, шунданми ҳалиги ёнғоқларга унчалик эътибор бермай кўйдим. Орадан анча йиллар ўтди. Бу орада мен оилали,

бўлганда кесиб ташлашибди. «Бу ёнғоқ ҳам анча ҳосил бермади. Аканг кесиб ташламоқчи эди, мен қайтардим, шунданми бу йил ҳосилга кирди», - дедилар онам. Ҳақиқатан ҳам ёнғоқ гуж-гуж ҳосилга кирган эди. Мени эккан деб онам ҳар йили ёнғоқнинг ҳосилидан бериб турадиган бўлди. Ўзим емасам ҳам, фарзандларим еса, қалбим қувончларга тўлиб кетади, отамнинг қилган

ишларининг саваби тегаетганлигидан хурсанд бўламан. Ҳар сафар қишлоққа борсам, ихтиёрсиз ўша ёнғоқга кўзим тушади, ёнғоқни кўрсам отамнинг ўша ҳолати, ёнғоқ тутиб турган ҳолати кўзимнинг олдига келади. Келади-ю, отамни чўқур бир ҳаяжон, соғиниш билан эслайман. Ёнғоқ билан боғлиқ бўлган болалигим ҳам эсдан чиқмайди. Отамни, болалигимни, қўлимдан келса, бир бор қайтаргим келади. Ҳаваскор шоира, Раҳима исмли бир синфдошим бор. Унинг «Болалик» ҳақида ёзган бир шеъри менга жуда ёқади. Мана ўша шеър:

**Бегубор дамларга қайтгим келади, Ёнғ тоза афсунгар, табиат якка. Тоғлардан акс-садо жавоб қилади, Баралла овозда, жар салсам қўкка. Болалик чоғларим, доим дараклаб, Ҳаёл элтар бир зум чексизлик сари, Йиллар зарваранг аста варақлаб, Улғайиб қоламан, туш бўлар бари.**  
**Дилором ЭГАМКУЛОВА**  
**Жиззах вилояти**



Мен "Оила ва жамият" газетасини севиб ўқийман ва ўз фарзандларимга ҳам ўқиб берман.

Ёшим 43 да. Ўзим бир инсонни яхши кўриб қолиб, турмуш қурдим. У билан 18 йил турмуш қилиб яшадик. Турмушим мобайнида 4 йил яхши яшадик. Аммо негадир фарзанд кўрмадик. Аёлим раҳматли акасининг ўлимидан қаттиқ кўрққан экан. Аёлимни олиб бориб кўрсатмаган дўхтир ёки гинеколог қолмади. Самарқанд вилоятидаги касалхонада, ҳаттоки Тошкентдаги илмий-текшириш институтида ҳам бўлдим. Ҳамма шифокорлар фарзандли бўласизлар, деб айтишарди. Мен ўзим ўқитувчи бўлиб ишлайдим. Турмуш ўртоғим билан бирга уй қурдик. Мен йўғимда қўшиллардан бири хотинимга: "Фарзандинг сен нима қиласан уй қуриб, уйнинг битгандан сўнг сени эринг ҳайдаб юборади", - деб айтибди. Шундан сўнг кунлар ўтди. Бир куни Солиа турмуш ўртоғим менга: "Жўра, мен сизнинг умрингизни бекор ўтказаялман. Менинг жавобимни беринг. Бошқача уйланинг", - деб қолди. Мен унга: "Сенинг ўзинг ақушерка бўла туриб менга шундай дейсанми? Сен гул эмассанки, юлиб олиб ҳидлаб ташлаб кетсам. Инсон сабр-тоқат қилиши керак. Хали сен бир этак фарзанд кўрасан. Ана шунда шошиб қоласан", - деб айтдим. Кунлар ортдан ойлар-у йиллар ўтарди. Фарзанд доғига чидай олмай қайнонам ҳам оламдан ўтди. Менинг севгилим қаттиқ асабийлашиб, ҳамма гап-сўзларни ичига олиб юрган экан. Мени ҳар куни ишга ку-

затиб кўяр ва ишдан келишимни сабр-тоқат билан кутиб ўтирар эди. Мен ҳамон унга: "Сен асабийлашма. Ҳаммаси яхши бўлади. Фақат тинчлансанг бўлгани", - деб уялардим. У бир куни мени яхши кайфият билан ишга жўнатди. Ўзи эса кечки сменага боришини айтди. Соат 2-3 л а р д а ишхонамга кўнғироқ қилишиб, тезлик билан касалхонага етиб боришим лозимлигини айтишди. Мен зудлик билан етиб бордим. Хотинимни терапия бўлимига ётқизиб қўйишган экан. Бир қў-

оналик туйғусини уйғотишим кераклигига қарор қилдим. Ана шунда Солиа руҳи кўтарилиб соғайиб кетади, деб ўйлардим. Мен бу борада ўз ота-онам билан маслаҳатлашмай туғруқхона билан келишиб, битта қизчани ҳужжатлаштириб қўйган эдим. Аммо менинг севгилим

беришларини сўрадим. Турмуш ўртоғим: "Сиз устимдан кулиш учун мени бу ерга олиб келдингизми?" - деди. Шунда мен ёнимдаги барча ҳужжатларни олиб Солианинг қўлига тутқаздим. Менинг бу ишларимдан Солиа хурсанд бўлиб, касаллигини ҳам унутиб қўйди.

Тақдирга тан бермай иложимиз қанча? Бу дунёни бевафо, деб шунга айтсалар керак-да!

**Сендан ажралмоқ мен учун оғир, Бу умрга соя солмасан ҳасрат. Сени юрагимга боғладим ахир, Ташлаб кетма мени, кетмагин фақат.**

**Сендан ажралмоқлик нақадар оғир, Сўзларинг, изларинг қолмай ахтариб. Раҳм қил, нима кун кўрувдик ахир, Қолайму тақдир деб ана саргайиб.**

**Сендан ажралмоқлик мен учун оғир, Сенсиз ўтадиган кунларим бекор. Бизнинг бошимизни бир қилган тақдир, Жонинг олар бўлса, жоним олсин ёр!**

Умр йўлдошимга бағишлаб баъзида кўп-кўп шеърлар ёзардим. Мана шулардан бири:

2003 йил 22 апрел кечаси ўз суюкли турмуш ўртоғим билан гаплашиб чиқдим. Тонгги соат 4 да севикли аёлим мени ва фарзандларимни ташлаб, оламдан ўтди. Ҳозир кичкина қизим 7 та хонамизга ҳам онасининг суратларини илиб чиққан. Ҳар куни бу суратлар олдига гул қўяди. Менга онаси тўғрисида кўп савол беради. Лекин мен унинг беҳад кўп саволларига жавоб беролмай қийналаман. Мен айтиб дамда ҳарбий қисмда дарс берган. Фарзандларим мактабда аълочилар сафида ўқишади. Уйга капалак кириб қолса фарзандларим: "Онажонимнинг руҳлари капалак бўлиб келиб, бизлардан хабар олиб кетаяпти", - деб, айтишади. Мен эса ҳаёт эканман, севгилимнинг руҳи доимо ёнимда-жонимда бўлишига ишонаман.

**Шоқир МИРЗАХҲУЖАЕВ Самарқанд вилояти Жомбой тумани "Жомбой" ш./х. Мирзахўжа Ўринхўжаев кўчаси, 1-уй**

# ЮРАГИМГА СЕНИ



сен нима қиласан уй қуриб, уйнинг битгандан сўнг сени эринг ҳайдаб юборади", - деб айтибди. Шундан сўнг кунлар ўтди. Бир куни Солиа турмуш ўртоғим менга: "Жўра, мен сизнинг умрингизни бекор ўтказаялман. Менинг жавобимни беринг. Бошқача уйланинг", - деб қолди. Мен унга: "Сенинг ўзинг ақушерка бўла туриб менга шундай дейсанми? Сен гул эмассанки, юлиб олиб ҳидлаб ташлаб кетсам. Инсон сабр-тоқат қилиши керак. Хали сен бир этак фарзанд кўрасан. Ана шунда шошиб қоласан", - деб айтдим. Кунлар ортдан ойлар-у йиллар ўтарди. Фарзанд доғига чидай олмай қайнонам ҳам оламдан ўтди. Менинг севгилим қаттиқ асабийлашиб, ҳамма гап-сўзларни ичига олиб юрган экан. Мени ҳар куни ишга ку-

бир оёғи ишламай ётибди. Хотиним мени кўргач йиғлаб юборди. Мен дўхтирлар билан гаплашдим. Ҳеч бири бирор ташхис қўйиб беришолмади. Шу кундан бошлаб мен ҳам аёллар палатасида ўзи севгилимнинг ёнига, яъни полга жой солиб ётиб, эрталабгача ухламай қараб чиқардим. Эрталаб эса ишга бораман. Баъзида кечаси билан ўтириб чиқардим. 25 кунлар чамаси шу алфозда юрдим. Худога шукрлар бўлсинки, севгилимнинг бармоқлари ва оёғи қимирлаб ишлай бошлади. Мен фақат севгилим Солиядан диққат бўлмаслигини илтимос қилардим. Нима қилсам севгилимнинг асабини тинчлантиришим мумкин, деб кечалари ўтириб ўйлардим. Унда

бундан беҳабар эди. Аёлимни суяб аста-секин жойидан туриб юришини машқ қилардим. Аёлим ўзи мустақил юрадиган бўлди. Кейин бир кун, севгилимни етаклаб туғруқхонага кирдик. Шунда мен навбатчи дўхтирдан илтимос қилиб, аёлимнинг ўз фарзандини онасининг қўлига чиқариб

кирмаган профессорларимиз қолмади. Улар операция қилиши маслаҳат беришди. 14 йил севгилимни шифохоналарга олиб чопдим. Турмуш ўртоғим билан қисқа ҳаёт кечирган бўлсак-да, уни еру қўкка ишонмасдим. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тортиб-биримизсиз бемаслаҳат иш қилмас эдик.

## МАКТУБЛАРИНГИЗ...

"Оила ва жамият" билан 1,5 йилча мулоқотда бўлмадим. Чунки даволаниш учун Самара шаҳрига кетгандим. Ўз юртимни, қишлоғимни, коллективимни, яқинларимни ва албатта менга азиз бўлган газетамни жуда-жуда соғиндим. Ўрта келганимдан кейин газетанинг бир-икки сонини олиб ўқидим, холос. Чунки шанба кунигача газета туғаб қолади. Инсон ўз тақдирини ўз қўллари билан яратар экан. Бунга минг бора ишондим. 1992 йил турмуш қурганман. 1995 йил ўғлимиз дунёга келган. Фарзандимиз дунёга келиши учун эр-хотин барча имконимизни ишга солдик—даволандик. Худога беҳисоб шукрлар бўлсин, биз ўғилли бўлдик. Устига-устак у суннати бўлиб туғилди ва отини Суннатжон деб қўйдик. Орадан 8 йил ўтди. Иккинчи фарзандимиз бўлишини хоҳлаган эдик. 1999 йил март ойда кучли оғриқ билан касалхонага тушиб қолдим. Операция қилишга тўғри келди. Лекин шифокорлар бошқа фарзанд кўрмаслигини ҳам мумкинлигини айтишди. Эрим рози бўлдилар. Турмуш ўртоғимни қаттиқ ҳурмат қиламан. Балки бунинг боиси ҳам мени тушуна олиши ва ҳамма вақт таянч бўла олишидир. 2002 йил мени Самарага олиб кетдилар. Диагностика бўлимида бизга яна фарзандимиз бўлиши мумкинлигини айтишди. Эр-хотин қанчалар қувонганимизни, севинганимизни кўрсангиз эди. Мен ҳомиладор бўлдим. 2003 йил феврал ойда Бухорога қайтиб келдим. 6-март куни иккинчи фарзандимиз дунёга келди. Уни Сардор

бек деб атадик. Лекин дадаси ўғлимизни ҳали кўрмаган. Чунки у киши Самарада қолиб, менинг даволанишимга кетган маблағни тўлаш учун ишляптилар. Насиб бўлса, бир ойдан кейин Самарага-дадасининг олдига ўзимиз борамиз - икки ўғлим билан. Мен буларни шунчаки ёзаётганим йўқ, албатта. Инсон ҳар нарсага қодир экан. Уни мукаммал ўрғанадан десангиз ҳам яна бир сирли қирраси жавобсиз қолавераркан. Мўъжизалар рўй бераркану, лекин мўъжизалар ўз қўлимизда эканини билмас эканмиз. Мен нима демоқчиман? Телевидиенда "Киш сонатаси" телесериалини кўриб, ҳаммамиз мафтун бўлдик. Уни: "Севги, вафо бобидаги фильм экан", дедик. Лекин мен айнан мана шу ерда тақдирнинг мўъжизалари қўлимизда эканини, қўйилган ҳар бир қадамимизнинг жавобсиз қолмаслигини ва жамиятда хулқ-атворимизга қараб ўрин олишимизни англадим. Бу фильмдан мен жуда ҳам таъсирландим. Баъзида хурсанд бўлдим, баъзида йиғладим. "Нима учун? Ахир севишганлар бир бўлишди-ку!", - дерсиз. Йўқ буни мен бошқача тушундим. Инсон ҳаётда баъзан шундай хато қилиб қўяди-ки, бунинг жабрини фарзандлар тортади. Ота-онамиз аслида бизга ёмонликни раво кўрмай, ёмон бўлишимизга сабабчи бўладилар. Баъзан ўзимиз қатъиятсизлик, иродасизлик қилиб,

дадасини кўз ёшларига сабаб бўлаемиз. Ҳар бир босган қадамимизнинг хато ёки тўғрилигини баъзан кеч, баъзан эса тушунаймиз. "Қиш сонатаси" фильмидаги оддийгина Жун Санк

ровларнинг кўз ёшларига сабаб бўлаемиз. Ҳар бир босган қадамимизнинг хато ёки тўғрилигини баъзан кеч, баъзан эса тушунаймиз. "Қиш сонатаси" фильмидаги оддийгина Жун Санк

# ТАҚДИРИМИЗ ЎЗ ҚҮЛИМИЗДА

бизнинг кўз ёшларига сабаб бўлаемиз. Ҳар бир босган қадамимизнинг хато ёки тўғрилигини баъзан кеч, баъзан эса тушунаймиз. "Қиш сонатаси" фильмидаги оддийгина Жун Санк

бизнинг кўз ёшларига сабаб бўлаемиз. Ҳар бир босган қадамимизнинг хато ёки тўғрилигини баъзан кеч, баъзан эса тушунаймиз. "Қиш сонатаси" фильмидаги оддийгина Жун Санк

бизнинг кўз ёшларига сабаб бўлаемиз. Ҳар бир босган қадамимизнинг хато ёки тўғрилигини баъзан кеч, баъзан эса тушунаймиз. "Қиш сонатаси" фильмидаги оддийгина Жун Санк

бизнинг кўз ёшларига сабаб бўлаемиз. Ҳар бир босган қадамимизнинг хато ёки тўғрилигини баъзан кеч, баъзан эса тушунаймиз. "Қиш сонатаси" фильмидаги оддийгина Жун Санк

мизмикан? Баъзан худбинлик қилиб, ўзгаларнинг бахтини, севгисини поймол қилмаяпмизми? Оддий бўлиб кўринган хатоимиз фарзандларимиз юзига тамга бўлмасмикан? Мен кимни назарда тутаялман? Аёлларимиз, тадбиркорлик қилаётимиз, деб қай йўлларга кириб кетаётганларини, оиланинг "бек"лари эса: "Рўзгоримга пул келтираман", - деб қадамида оиласига хиёнат қилишларини чуқур ўйлашимиз керак. Бу тахлит ҳаёт кечириб фарзандлар бахтига зомин бўлмаслигига қим қафолат беради? Инсон ҳаёти давомида ёмонлиг уяшшилиқни, нафратни, севгини, ҳалоллиг ҳаромни, ширин билан аччиқни ҳар қадамда кўради. Бизнинг бахтимиз, фахримиз — фарзандларимиздир. Модомики шундай экан, биз авваламбор уларни хор қилмайлик. Болаларимизни тўғрилликка, софдилликка ундайлик. Биз фарзандларимизга ўрناк, намуна, таянч бўлишимиз керак ва шундан сўнггина улардан ўзимиз берган меҳр-муҳаббат, садоқат жавобини кутишимиз лозим. Биз фарзандларимизга фақат ўрناк, жамиятимизда ўз ўрнини топа олишига қўмак, яхши яшаб, бахтли бўлишига сабаб бўлайлик. Ҳаёт гўзал экан, бу гўзалликдан фарзандларимизни бебахра қилмайлик, аламли кўз ёшларини кўрмайлик, маънос, мунгли кўзалар ила бизга ҳеч қачон боқмасинлар ва ўзимиз ҳам шуни лозим топмайлик.

**Гулжумор ШАРИПОВА Бухоро вилояти Бухоро тумани У.Юсупов ш./х. 5-бригада**

**ҚАРИЯЛАР ФАҚАТ ЯХШИЛИКНИ ЭСЛАШАДИ**

Мутахассислар фикрича, аксарият одамлар қариган чоғларида ўтмишларида юз берган кўпгина нохушликларни унутиб юборишар экан. Рухшунсо олимлар ҳар бири 200 кишидан зиёд киши қария ва ёшлар гуруҳини тузиб, тажриба ўтказганлар. Тажриба пайтида уларга кўрқинчли қабристонлар ва кўм кўк чиройли далалар акс эттирилган пейзажларни кўрсатиб, маълум вақт ўтганидан сўнг бу ҳақда сўрашган. Ёшларнинг қарийиб барчаси кўрқинчли асарларни эслаб қолган бўлсалар, қариялар эса фақат энг ажайиб кўриниши картиналарни хотирлашгани аён бўлган.

**ПОСБОН МУШУК**

Россиянинг Степанов тумани милиция ходимлари постига бир кун мушукча кириб келди. Кутилмаган меҳмон ҳадеб овқат сўраб миёвлайверганидан сўнг милиция ходимларидан бири контрабандистлардан тортиб олинган бир балиқни беради. Балиқнинг мазаси ёқиб қолиб, мушукча ўша ердан кетмай бутунлай қолади. Милиционерлар унга Русик деб ном берадилар. Русик худди ўргатилган итлардек контрабанда йўли билан овланган ва бекитиб олиб кетаётган балиқлар, ҳайвонларни устамонлик билан бир зумда қанчалар бекитилган бўлмасин тезда топиб бериб, бекёёс хизмат кўрсатапти.



**ҲОМИЛАДОР АЁЛ КҮП ОВҚАТ ЕСА - ЎГИЛ ТУҒАДИ**

Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, агар ҳомиладор аёлнинг иштаҳаси яхши бўлиб, кўп овқат еса, демак туғиладиган фарзанди албатта ўғил бўларкан. Буни аниқлаш учун олимлар 244 аёлни кузатганлар. Боланинг она қорнида жойлашиш шакли, юрагининг уриши ва онанинг овқатланиш тартибига аҳамият берилган. Натижада она қорнида ривожланаётган ўғил бола ўзининг жойлашиши, юрак уриши ва ниҳоят каллория (овқат) талаб қилиши билан қиз болалардан фарқ қилган. Яъни ўғил болалар қиз болаларга қараганда 10% кўпроқ овқат талаб қилишган.



**БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ?**

АҚШ Фарбий Виржиния штатида шифокорлар беморни рентген аппаратида текшира туриб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди, беморда бошқа одамларга ўхшаб битта эмас, балки иккита ошқозон бор экан.

Бенгалиялик 24 ёшли Сикумас Даснинг олти ошқозони бор экан. Шунинг учун ҳам у ҳар кун 15 килограмм нон, 2 кг. хантал (горчица), 45 литр сув, 15 литр сут, бир челақ чой, шу билан бирга ҳўл мewa, сабзавот, ошқовок, банан - жами 80 килограммга яқин овқат истеъмол қилар экан.

Худди шунингдек ҳозирда тўрт буйракли аёл Гелена Вейнгелаян Цена шахридаги банклардан бирида ишлайди. Банк хизматчилари рентгендан ўтишадиганда 33 ёшли Геленанинг буйраги ўртталиги маълум бўлиб қолди. Шифокорлар аёлни синчиклаб текшириб, тўрт буйрак тана учун фойдали деган хулосага келдилар. Шуниси қизиқки, ёғли таомлар, сигарет тутуни, спиртли ичимликлар ва хлорли сув Геленада доимо жирканиш ҳиссини пайдо қилар экан. Бу аёл ҳар вақт тоза ҳавода бўлишга интилган ва жисмоний машқларни мароқ билан бажариб келган.

**ХУРРАК ОТИШГА ҚАРИШ ЭЛЕКТРОНИ**

Америкалик тадқиқотчилар хуррак отувчиларни хуррак балосидан кутказишнинг антиқа усулини ўйлаб топишди. Электр токи ёрдамда куйидагича муолажа ўтказилади: Хурракнинг кўлига ток ўтадиган сим улаб куйилади. Симда хуррак овозини йиғиб олувчи аппарат ўрнатилган бўлиб хурракчи хуррак отди дегунча аппарат ишга тушади. Яъни ток хурракчини уради. Агар бир марталик уриш билан ҳам хурракчи хушёр тортмас ва яна хуррак отса ток иккинчи мартаба уради. Хуллас хурракчи ўзини кўлга олмагунча бу муолажа давом этаверади. Тадқиқотчилар бу усул инсон организми учун зарарсиз бўлиб, ҳар бир хурракчини даволаш учун атиги 2 ҳафтадан бир ойгача вақт кифоя қилади дейишмоқда.



**КУНИГА ЮЗ МИНГ МАРТА**

Юрак - бу мускул бўлиб, оғирлиги ўртача уч юз грамм келади. 15 ёшдан 50 ёшгача юрак бир дақиқада 70 мартаба теълик билан уради. 60-80 ёшлар орасида юрак ўз ҳаракатини ошириб бориб, тахминий 79 тагача этади. Ўртача олганда бу соатига 4-5 минг ва кунига 108 минг марта дегандир. Велосипед ҳайдовчининг юраги спорт билан шугулланмайдиган одамникига қараганда икки марта катта бўлиши мумкин, яъни 750 ўрнига 1250 куб. сантиметр. Оддий режимида юрак соатига 360 литр, бутун ҳаёт давомида эса 224 миллион литр қонни ҳайдайди. Бу дегани Сена дарёсининг 10 дақиқада оқадиган сувига тенг.

**ЁШ УТГАНСАРИ...**

Ёш ўтган сари мия оғирлиги камаяр экан. Йигирма ёшда мия оғирлиги ўртача 1,4 килограмм келади. 70 ёшда - 1,3, 80 ёшда 1,2. Шуниси диққатга сазоворки, мия ўлчами билан ақл ўртасида боғлиқлик йўқ. Тургеневга қарашли "компьютер" (калла) оғирлиги - 2,012 килограммга эга эди. Анатолий Франсда эса 1,017 килограмм. Мэрилин Монро миясини оғирлиги 1,422 килограмм. Тана бутун асаб толарининг 4/3 қисми бош миёда сақланади. У 75 ёшгача катталашади. 15 ёшдан то 25 ёшгача фаоллашади. 45 ёшдан эса орқага қараб, кичрая бошланади.

**АЁЛНИНГ СОЧИ УЗУН... МИЯСИ-ЧИ!**

Эркаклар бош миясининг қарши мёёри аёллариникига нисбатан тезроқ рўй берад экан. Америкалик олимлар магнитли резонанс усули ёрдамида 65-95 ёшдаги 330 нафар соғлом кишиларнинг миясини кузатдилар. Гарчи барча текширилаётган эркаклар ақлли, диққат-эътибори равшан бўлишса-да, аммо бош мияларининг ҳажми аёлларникидан кичик бўлиб қичди. Бош мия ҳажмининг кичрайиши фикрлаш жараёнига, феъл-атвориға таъсир кўрсатадими, йўқми аниқланганича йўқ. Шунингдек, тиббиётчилар миянинг миқдор жиҳатидан камайиши сабабини ва аёлларда мия тўқималари нима учун кўпроқ сақланишини ҳам айтиб беришолмаётти. Балки аёлларда мия ҳажмининг кичрайиши секин кечиишига экстроген гармонининг ажралоши сабаб бўлса, ажаб эмас, деган фикрлар бор.

Ана шу гармон мия тўқималарини ҳимоя қилади. Ушбу изланиш хулосалари турли одамларда қариш жараёнлари қандай кечииши ва нима учун айрим одамларда бу жараён анча енгил ўтишини англашимизга ёрдам беради.

**ЧАПАҚАЙЛИК БУЮКЛИК НИШОНАСИМИ?**

Тиббиёт ходимларининг фикрича, чапақай одамлар ўнг қўлли одамларга қараганда анча кам умр кўришар экан. Бу ҳақиқатга тўғрими-нотўғрими ҳеч ким аниқ айтолмайди. Лекин бу нарсаларнинг ўз жисмоний, ақлий қобилиятларини юзага чиқаришлари учун ҳалақат бермайди. Уйғониш даврининг улўғ рессоми Леонардо да Винчи, ҳайкалтарош Микеланжело, машҳур масалчи Гулханийлар ҳам чапақай бўлишган экан. АҚШ собиқ Президенти Билл Клинтон ҳам чапақай. "Шарқ Пушкини" деб ном олган Усмон Носир ҳам ўзининг жўшқин шеърларини чап қўлда битган экан.

**ХАВФ-ХАТАРДАН ДАРАК БЕРАДИ**

Белградлик бир аёлнинг баданида кремний, магний, кумуш бирикмалари аралашган, "металл бўлаклари" униб чиқадиган бўлибди. Ажаб, узунлиги бир сантиметргача келадиган бундай яра ва оғриқли ўсимталар ер қимирлаш, сув тошқини ёки бошқа бирор хавф-хатардан тўрт кун илгари пайдо бўлар экан.

**НЕЧА МАРТА НАФАС ОЛАМИЗ**

Гўдакларнинг нафас олиб чиқариш мароми бир дақиқада 35 марта ташкил этар экан. Усмирларда - 20, катта кишиларда - 15. Бизнинг нафас олиш маромимиз ўртача куйидаги кўрсаткичга эга: соатига минг марта, яъни кунига 24 минг марта ёхуд йилига тўққиз миллион.

**ИККИ БОШЛИ БОЛА**

Орсқ шахрида бир аёл икки бошли бола туққан. Боланинг оёқ-қўллари росмана бўлиб пешонасининг ўртасида фақат битта кўзи бор. Бармоқларининг ҳаммаси тирноқлардан иборат. Бутун бадани эса тук билан қопланган. Дарҳақиқат, баъзан гўдак куш ёки бирор жониворга ўхшаб туғилиши мумкин. Куёнлаб ёки бўри танглайига ўхшаган тугма ногиронлик ҳам бўлади. Қулоқсиз, соқов, қар, кўр, икки хил жинсий органлар, суннати ўзи билан туғилган болалар, қоши ва киприклари оппоқ кишилар, мўйлабли қизлар ҳам учраб туради.

**МЁЪДА СИГМИИ САККИЗ ЛИТР**

Оддий ҳолатда мёъда сигими 1-3 литрни ташкил этади. Бирок унинг сигими истеъмолга қараб ўзгариб туради. Жумладан, пиво ичимлигини хуш кўрадиганлар мёъдаси сақкиз литр пивони сиғдира олади. Бир кунда мёъда 1,5 литр ошқозон ширасини ишлаб чиқаради.

**ЯНГИ ПЛАНЕТАЛАР СИСТЕМАСИ**

Яқинда астрономлар яна бир янги планеталар системасини кашф этдилар ва уларнинг фикрича, шу кунгача топилган юзлаб системалар ичидан янги топилгани ўзининг девярли ҳар жиҳатдан ўхшашлиги билан биз яшаб турган планеталар системасига жуда яқин бўлади. Агар унга ҳар томонлама синчиклаб қаралса ўзининг коинотдаги барча томонлари билан Юпитер планетасига ўхшайди. Янги планета HD70642 номи билан аталади ва бизнинг еримиздан 94 ёруғлик йили узоқлигида жойлашган. Янги Юпитерни илк бор Австралиялик астрономлар 3,9 метрлик энг юксак аниқликка эга бўлган телескоп орқали илғаб қолдилар. Янги кашфиёт ҳақидаги маълумоти Ливерпуль университетининг астрономия бўлими раҳбари барчага эълон қилди. Унинг таъкидлашча, янги Юпитер газлар билан ўралган жуда улкан планета бўлиб, бизнинг планетамизда Юпитердан анча катта.

**ЎЗ ЎҚИ АТРОФИДА БИЗНИНГ ҲОЗИРГИ ЕРДАГИ ЎЛЧОВ БИЛАН БЕЛГИЛАГАНДА 6 ЙИЛДА БИР МАРТА АЙЛанади. Бизнинг еримиздан 94 ёруғлик йили ёки бошқача қилиб айтганда 9,5 триллион километр узоқликда жойлашган. Қанчалик узоқликда жойлашган бўлишига қарамай ўзининг айнан бизнинг кўёш системамизга ўхшашиги билан барчани лол қолдира-пти. Янги планетани кўпроқ аниқлашда мавжуд бўлган телескопларнинг аниқлаш даражаси камлик қилади. Олимлар кўпгина маълумотларни юлдузлар орқали олинмадиган ридиотўқинлар орқали олаёттилар. Улкан планетанинг гравитация майдони маълум даражада уни тебратиб туради ва бу коинотда сезилиб туради. Олимларнинг фикрича планета атрофидаги газлар орасида яна бошқа кичикроқ планеталар ва бизнинг еримизга ўхшаган ер шари бўлиши мумкин экан. Ҳатто уларнинг тахминий сони 11 та бўлишини таъкидлашаёпти.**

**ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ**

1. Англиянинг мактабларида барча болалар учун туш пайтида дарслар тугатилиб болалар албатта очик ҳавода спорт ўйинларини ўйнайдилар ва кўпроқ футбол билан шугулланадилар. Бундан ташқари ҳар кун барча синфларнинг маълум бурчагида бутилкаларда тоза минерал сувлари қўйиб қўйилади. Британияликларнинг фикрича, ёш ўсаётган организм учун сувнинг аҳамияти жуда катта.

2. АҚШда аксарият мактабларда эрталаб дарслар нонушта қилиш билан бошланади. Ҳар бир туманининг ўзида чоп этиладиган газеталарда мактаб болалари истеъмол қилишлари кўзда тутилган овқат рўйхати икки ҳафта олдин эълон қилинади ва бу кундалик ҳаётдаги оддий тартиблардан бирига айланган.

Саҳифани Л. АХМЕДОВА ва М. МИРЗАШАРИПОВ тайёрладилар

Алоэни кўпчилик билади. Лекин унинг бир қатор хасталикларни даволашда қўлланилиши ҳаммага ҳам маълум эмас. Алоэ доим яшил рангли дарахтсимон ўсимлик. Поясик тиз ўсади. Бўйи 4 метргача боради. Барги қалин, этдор, юмшоқ, сершира, кирралари тиканлар билан қопланган. Баргининг узунлиги 50 см.гача боради. Бизда асосан хоналарда ўстирилади. Камдан кам гуллайтиди. Гули қизил, сариқ бўлади. Ватани-Жанубий Африка. У ерда бу ўсимлик 2000 йилдан бери кундалик турмушда ишлатилади. Табобатда янги узби олинган, барги ва ундан олинган шираси қадрланади. Алоэ таркибида эмодалин, смола, эфир мойи, С дармон-дори ва бошқа кўпгина моддалар бор.

Алоэ ёввойи ҳолда Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Африкада тарқалган. Барча халқларда доривор сифатида қадимдан фойдаланиб келишган. Масалан: Араб олими Маъсудий, юнон файласуфи Расту ўз асарларида эрампиздан олдинги 351 йилларда Соккрота оролида яшовчи аҳоли алоэ ўсимлигидан доривор сифатида фойдаланиш учун уни кўпайтиришганини ёзганлар. Хатто Искандар Зулқарнайн мазкур оролни забт этиб, алоэзорларни юнонлар қўлига олиб беришни маслаҳат бер-

гани ҳақида ҳам ёзишувлар бор.

Араб табиби Резеснинг ёзишича, Ҳиндистонда алоэ қорачек ва йирингли яраларни даволашда ва қон кетишига қарши восита сифатида қўлланилган. Шарқ табобатининг даҳоси Абу Али ибн Сино алоэ борасида: "Асал билан қўшиб шикастланишдан қолган изларга қўйилса яралар тез би-

касалигини даволашда қўлланганлар. Миср маликаси Клеопатра бу ўсимликни терига, сочларга ипадек майинлик бахш этувчи сифатида ишлатган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида қийин битадиган яраларни даволашда алоэ ярадорларнинг жонига оро кирган. Шуниси диққатга сазоворки, бунда

Ибн Сино усули қўлланилган. Рус академиги В.Филатов алоэнинг ажойиб яширин сирини кашф этди. У қирқиб олиб, сўлтирилган алоэ тўқимаси ўзиндан яраларнинг битишига ва бемор соғайишига ижобий таъсир қиладиган, бактерияларни

суяқ дори-ампулада ишлаб чиқарилади. Алоэнинг темир моддаси билан аралашгани камқонликда малҳам бўла олади. Бунда бир чой қошиқдан 3 маҳал ичилса кифоя.

Халқ табобатида мадорсизликдан, оғир хасталикдан толиқишда куйидагича тайёрланган аралашма ҳам кенг қўлланилади: 100 грамм биостимулланган алоэ шираси (бу усул шу саҳифадаги Н.Шаҳнозанинг маслаҳатида батафсил ёзилган) 500 грамм ёнғоқ, 300 грамм асал, 4 дона лимон шираси олинади, аралаштирилади. Ва 1 чой қошиқдан 3 марта таомдан олдин истеъмол қилинади.

Бироқ олимларнинг фикрича алоэ фойдали экан, деб кишилар ўз биланларича иш кўрмасликлари, бирор бир муолажада фойдаланишдан олдин шифокор маслаҳатига қўра иш кўрганлари маъқул. Масалан: Алоэни юрак-қон-томир хасталигида, гипертония (қон босимини ошиши), хомиладорликда, ўткир меъда-ичак бузилишида, нефрозолефритда қўллаш асло мумкин эмас. Балки халқимизнинг алоэни "сабр", "сабр" дейишдан ҳам ўзи-га хос маъно бордир...

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос

Фаргона шаҳри

# БИЗ БИЛГАН-БИЛМАГАН АЛОЭ

тади. Шароб билан қўшиб бошга суртилса, соч тўкилишини тўхтатади. Битиши қийин бўлган яраларга фойда қилади. Агар гул ёғи билан қўшиб пешона билан чаккага суртилса, бош оғригини қайтаради. Ақлни ва дилни ўткирлаштиради. Кўз яраларига, оғриқларига, кўз ички бурчагининг ачишига, қичишига фойда қилади..." дея ёзган.

Қадимги табиблар алоэдан қон ҳаракатини тезлаштириш, ошқозон-ичак йўллари касалликларини ва асаб фаолиятини яхшилашда фойдаланишни тавсия этганлар. Сурги ва сафрони хайдашда, сил



ўлдириш қобилиятига эга бўлган моддалар ажратишини аниқлаган. Алоэ маҳсулоти бўлмиш сабур экстракти ичак фаолиятининг заифлигини натижасида вужудга келган сурункали қабзиятни, куланж, гастрит хасталикларини даволашда кенг қўлланилади. Ҳаддан ташқари таом ҳазмини яхшиловчи, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак деворлари яраланганда, жигар ва ўт пуфаги касалланганда, мадорсизликлар, диспепсияда яхши наф келтиради. Оғиз бўшлиғи, стоматит, бронхит, куйганда, йирингли яраларда, кўз касалликларида, аъзои-тананинг касалликка қарши курашиш қобилиятини оширишда малҳам сифатида қўлланилади. Алоэдан суртма дори, шира, қайнатма тайёрланади. Фармацевтика саноати хапдори, укол учун

Киш кунларининг бирида қаттиқ шамоллаб қолгандим. Ўз вақтида яхшилаб даволанмаганлигим сабаблими ёки бирортасидан юктириб олдимми билмайман, сил (туберкулез) хасталиги билан орғиб қолдим. Ҳар хил химиявий дориларни ичишга ҳеч ҳам тобим йўқ. Алоэ ўсимлигидан даволаниш учун дори тайёрлаш мумкинлигини эшитиб, сўраб-суриштирдим.

Менга қуйидагича дори тайёрлашни ўргатишди. Дори тайёрлаш учун 0,5 кг. алоэ ўсимлигининг сервус барглари олинади. Алоэ камида 7 йиллик бўлиши керак. Тиканларидан тозаланиб гўшт майдалагичдан ўтказилади.

## ХАЛОСКОРИМИЗ — ЎЗ УЙИМИЗДА

Сўнгра унга 0,75 литр даражаси баланд бўлган қизил вино ва 1 кг. тоза асал қўшиб аралаштирилади. Тайёр аралашма салқин ва қоронғу жойда 5 кун давомида сақланади. Шундан сўнг овқатдан олдин ош қоринга 1 ош қошиқдан кунга уч марта истеъмол қилинади. Муолажани 2-3 ой давомида қабул қилдим. Шифокор кўригидан ўтганимда тузалганимни айтишди.

ЗОКИР

Тошкент вилояти

Шамоллаганимдан сўнг тананимнинг турли жойларига тез-тез чипқон чиқадиган бўлиб қолди. То пишиб ёрилгунча оғригига чидай олмай азоб чекиб юрардим. Бир сафар яна бирданга икки жойимга чипқон чиққанида уйимизга оғирнинг дугонаси келиб қолди. Оғир айтган бўлсалар керак. Меҳмон ҳола тезда малҳам тайёрлаб мени даволашга тушиб кетди. Малҳам учун икки дона пивзанинг устки қисмини олдирилари тақсимча устига қўйдилар. Сўнгра унга бир чой қошиғида алоэ ўсимлиги баргидан сиқиб олинган сувини ва озроқ суяқроқ асал қўшиб оз-оздан ун қўшиб яхшилаб аралаштириб иккита кичик кулчага тайёрладилар. Кулчаларни яраларим устига ёпиб, устидан лекапластирни қўшув белгиси сифатида ёпиштириб қўйдилар. Лўққиллаб оғриётган яраларимда оғриқ аста секин босила бошлади. Иккинчи кун олиб ташлаганимда яра ичидайи барча ёмон йиринглар хамирга ўтиб қолган эди. Шу йўл билан тезда ярадан халос бўлдим ва оғирнинг ўртоқларига ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

УМИД

Самарқанд шаҳри

Қуйидаги тартибда тайёрланган ширинликни қариялар истеъмол қилсалар танадаги куч-қувват яхшиланади, меъда-ичак фаолияти ҳам кўнгилдагидек бўлади. Бу ширинлик шундай тайёрланади: 100 грам қуритилган анжир, 200 гр. қуритилган ўрик, 150 гр. қуритилган қароли илиқ сувда ивтилади. Сал юмшагандан сўнг гўшт майдалагичдан ўтказилади ва аралаштирилади. Ушбу аралашмага 100 мл. алоэ шарбати ва 100 гр. асал қўшиб аралаштирилади. Тайёр маҳсулот музлаткичда сақланади ва кунга бир марта ухлашдан олдин 3 ош қошиқдан истеъмол қилинади.

АЛИШЕР

Фаргона вилояти

Кундалик турмуш ташвишлари билан бўлиб доимо ўзимга эътибор бермасдим. Бироқ ошқозонимда яра борлигини сезганимдан сўнг турли шифокорларга, клиникаларга югура бошладим. Тиббийётда мавжуд бўлган муолажаларни қабул қилдим. Хасталик ўтиб кетма-вермаганидан сўнг кўнглимда халқ табобатидан фойдаланиш фикри пайдо бўлди. Буни қаранг-ки давони ўз уйимдан топдим. Бир неча йилдан бери деразам ёнида бир туп алоэ ўстириб юрардим. Ундан ўзим учун қуйидагича дори тайёрладим.

қошиқдан, иккинчи ҳафтасида эса ҳар кун овқатдан бир соат олдин уч маҳал 1 ош қошиғидан едим. Муолажани 2 ҳафта давомида қабул қилдим. Лекин яхши тузалиб кетиш учун бу муолажани 1-2 ой давомида такрорласа янада яхшироқ фойда беради. Дори тайёрлашдан олдин икки ҳафта давомида алоэга сув қуймаслик керак. Шундан сўнг узиб олинган ҳар бир баргини юмшоқ хўл латта ёки пахта билан тозалаб артиб оласиз.

Барглари асосан ўсимликнинг пастки қисмидан оласиз. Барглари яна икки ҳафта давомида қоронғи ва салқин жойда асрайсиз. Бу давр ичида алоэ таркибида биостимуляторлар ривожланади ва улар ўз навбатида инсон организмга ўзининг даволаш таъсирини кўрсатади. Алоэ ўсимлиги камида 4-5 йиллик бўлиши кераклигини унутманг. Мен шу муолажа ёрдамида ошқозон меъда касалликларини бутунлай унутдим.

Н. ШАҲНОЗА

Самарқанд вилояти

Алоэ бавосил (геморой) хасталигида ҳам қўлланилади. Уни даволаш учун 1 ош қошиқ (камида уч йиллик) алоэ шарбатига бир дона тухумнинг сариги ва 1 ош қошиқ балиқ ёғи солиб аралаштирилади. Тайёр малҳам болалар ичини клизма қилишда фойдаланиладиган махсус резина идишга солинади ва йўғон ичакка юборилади. Муолажани 12-15 кун такрорлаш яхши натижа беради.

Алоэдан фойдаланиб, хасталикларни даволашнинг ўзига хос тартиблари мавжуд.

○ Сурункали ошқозон (гастрит) хасталигини, ошқозон яраси ва ич кетиш хасталигидан сўнг ошқозон-ичаклар фаолиятини яхшилаш учун алоэ шарбатида кунга 2-3 марта овқатдан ярим соат олдин 1-2 чой қошиқдан истеъмол қилиш тавсия этилади.

○ Сурункали ич қотиш хасталигида, ошқозон-ичакларда газлар йиғилиб қолиш ҳолатини даволаш учун 100 гр. алоэ шарбатига 100 гр. асал қўшиб аралаштирилади ва 3 соат ўтганидан сўнг кунга 3 марта 1 чой қошиғидан истеъмол қилинади.

○ Тумоени даволашда ҳам алоэ шарбати билан оғиз ва томоқни чайқаш тавсия этилади.

○ Алоэдан сурги дори сифатида фойдаланиш учун 150 гр. қуритилган барглари яхшилаб майдаланади. Қайнаш даражасига етказиб эритилган 300 гр. асалга қўшилади. Аралашма бир сутка тургандан сўнг яна 70° С гача иситилади. Шундан сўнг 1-2 чой қошиқдан наҳорда нонуштадан бир соат олдин истеъмол қилинади.

○ Суяқ алоэ эликсиридан ошқозон яраси, ўн икки бармоқли ичак яраси, бронхит ва астма хасталикларини даволашда фойдаланилади.

○ Хасталикларга, айниқса юқумли хасталикларга тананинг қаршилик кўрсатиш қувватини ошириш учун алоэдан қуйидагича фойдаланиш тавсия этилади.

Алоэ барглари тозаланиб гўшт майдалагичдан ўтказилгандан сўнг шунча миқдорда асал қўшиб аралаштирилади. Сўнгра кунга уч марта овқатдан ярим соат олдин бир ош қошиғидан истеъмол қилинади.

ЛОЛА

тайёрлади

**Куйидаги тест саволларидан ўзингизга мос келадиганини белгилаб, асабларингиз қай даражада эканлигини аниқлашингиз мумкин. Турмуш ўртоғингиз ёки дўстингизнинг ўзингиз ҳақдаги фикрини ҳам белгилаб олиб, иккала хулосани солиштирсангиз янада тўғрироқ натижага эришингиз мумкин.**

**1. Мусиқа эшитаётганда, китоб ўқиётганда ёки фильм кўраётганда таъсирланиб сиз...**

- а) Кўз ёшингиз чиқар даражага тушасиз.
- б) Баъзида йиғлаш даражасига етасиз.
- в) Юракка яқин олмайсиз.

**2. Сизни...**

- а) Осонгина хафа қилишлари мумкин
- б) Баъзан, демаганда унча-мунчага хафа бўлмайсиз.
- в) Хафа қилиш жуда қийин.

**3. Ёнингизда бирор киши бақирса, сиз...**

- а) Асабларингиз дош бермай унинг ёнидан нарироққа кетасиз.
- б) Гарчи зўрга бўлса-да, чидайсиз.
- в) Ҳеч нарса бўлмаётгандек ўтираверасиз.

**4. Қонни кўриб, сиз...**

- а) Хушингиздан кетиб қолишингиз мумкин.
- б) Нохуш ҳолатга тушасиз, бирок чидайсиз.
- в) Ҳеч нарса бўлмагандек қараб тураверасиз.

**5. Агар бегона одам сизга қаттиқ тикилиб қараб турса, сиз...**

- а) Нохуш аҳволга тушиб, безовталанасиз.
- б) Сиз ҳам унга бақрайиб қараб тураверасиз.

в) Ҳеч нарса бўлмаганидек, ҳатто қайрилиб ҳам қарамайсиз.

**6. Сиз ҳақингизда ўйлашадик...**

- а) "Шоиртабиат ва ҳаёл-параст", - деб.
- б) "Харакатчан инсон", - деб.
- в) "Тажрибали, матонатли", - деб.

**7. Ҳар хил тадбирлар ва йиғинлар...**

- а) Сизни тезда чарчататади.
- б) Фақат баъзида сизни чарчататади.
- в) Сизга жуда ҳам ёқади.

**8. Бирор бир фалокат содир бўлса, сиз...**

- а) Бу ҳақда узоқ ўйлаб юрасиз, ёдингиздан чиқаролмай қийналасиз.
- б) Қизиқиб томоша қиласиз ва бунни тезда унутиб юборасиз.
- в) Бундай ҳодисаларга қараб ёки эслаб бошингизни бекорга қотириб юрмайсиз.

**9. Агар яқинларингиздан бирортаси бахтсиз ҳодисага учраса, сиз...**

- а) Жудаям эзилиб кетасиз, гўёки ўз бошингиздан шу воқеа ўтгандек.
- б) Жуда хафа бўласиз ва узоқ вақт унута олмай юрасиз.
- в) Жуда хафа бўласиз, лекин тезда ўзингизни қўлга олиб бу воқеани унутиб юборасиз.

**10. Бирор-бир муҳим тадбир**

**ёки тантана арафасида, сиз...**

- а) Кўп пайтлари ухлай олмайсиз.
- б) Фақат баъзида ухлай олмайсиз.
- в) Бемалол, одатдагидай ухлай верасиз.

**11. Яқинларингиз билан бўлиб ўтган муҳим масаладаги гап-сўздан сўнг, сиз...**

- а) Ҳар доим узоқ вақт ҳаяжонланиб юрасиз.
- б) Баъзида ҳаяжонланиб юрасиз.
- в) Тезда ўзингизни қўлга олиб, кундалик юмушларингиз билан шуғулланаверасиз.

**12. Агар қўшингизнинг бўласи йиғлаётган бўлса, сиз...**

- а) Ўзингизни қўярга жой топа олмай нотинч бўласиз.
- б) Эшитмаганга солиб, эътибор

бермасликка ҳаракат қиласиз.

- в) Жуда кам пайтлари эътибор беришингиз мумкин.
- 13. Агар дўстларингиз ёки қариндошларингиз сизникида кечаси ётиб қолишса, сиз...

а) Ўзингизни ноқулай аҳволда сезасиз.

- б) Ҳар доимгидан ёмон ухлайсиз.
- в) Ҳар доимгидек ва ҳеч нарса бўлмагандек ухлай-верасиз.

**14. Аниқ ва эслаб қоладиган тушлар...**

- а) Тез-тез кўриб турасиз.
- б) Баъзида кўришингиз мумкин.
- в) Жуда кам ҳолларда кўрасиз.

**Ҳар бир "А" вариантдаги жавоб учун 2 балл;**

**Ҳар бир "Б" вариантдаги жавоб учун 2 балл;**

**Ҳар бир "В" вариантдаги жавоб учун 0 балл белгилайсиз.**

**1. Жамлаганда баллингиз 7 балл бўлса - сиз терис қалин, тепса тебранмас хилдансиз. Асабингизни бузиб, жаҳлингизни чиқариш жуда мушкул иш. На шовқин, на ҳар хил ҳалокатлар, воқеалар асабингизни бузишга қодир эмас. Ҳатто бошингиздан ўтказган кўнгилсизликларни ҳам тезда унутиб юборасиз. Маида-қўйдалар учун асабларини бекордан-бекорга эгавлайдиганларни сиз асаб тушунмайсиз. Сиз учун бундай ҳолатлар бутунлай ёт. Ҳар хил**

**таъсирларга берилишни ёқтирмайсиз.**

**II. Азар жамлаган баллингиз 8 дан 17 баллагача бўлса - сиз таъсирчан инсонсиз.**

**Бирор-бир ноқулай айтилган сўз, қаттиқ гап ёки нохушлик, ҳатто бировларнинг гапи ҳам сизга тезда таъсир этади ва асабларингиз озор чекади. Сиз бошқаларнинг дард чекишларига бепарқ қарай олмайсиз. Шунингдек шодликларидан ҳам тезда ҳурсанд бўласиз. Бошқалар билан бўладиган ҳар қандай ҳолатдан таъсирланасиз. Лекин, ўзингизни азобга кўйиб узоқ пайт шундай руҳда юрмай, тезда унутиб юборасиз. Жуда кам ҳолларда кўра тезда унинг олдини олишни афсал кўрасиз. Сизда инсонийлик нуқтаи назаридан ҳурсанд ва хафа бўлиш ҳолати бор бўлиб, бу ҳам ўз ўрнида ва етарли ҳисобланади.**

**III. Азар йиғилган баллингиз 18 дан ортиқ бўлса - демек сиз ўта таъсирчан инсонсиз. Ҳеч бир нарса сизнинг назарингиздан четда қолмайди. Таъсирчансиз. Ҳатто энг кичик кўнгилсизликлар ҳам сизнинг асабингизга таъсир қилади.**

**Юрган йўлигингизда ўзингизга кўнгилсизлик излаб юрадидексиз. Хафгагарчиликни узоқ вақт ҳазм қилолмай қийналасиз. Бу ҳарактер билан атрофдагиларни ҳам безор қилиб юборасиз. Сизнинг қуруқ ва фойдаси йўқ, қуноқинишингиз бошқалар ҳам сезсалар сиздан нарироққа қочшига ҳаракат қиладилар. Хуллас мезёридан ортиқ таъсирчанлик сизни адоий тамом қилади.**

**Нодира РЎЗИМЕТОВА тайёрлади**



**17-18 июл** кунлари танада калций моддаси етишмовчилиги сезилади. Шунинг учун шу кунлари калций моддасига бой бўлган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш фойдали. Лекин никотин моддалари, спиртли ичимликлар ва уйқу дориси зарарли ҳисобланади.

**19-20 июл** кунлари танани чиққирувчи муолажалар фойдали ҳисобланади. Спорт машқлари, чўмилиш, ванна қабул қилиш, қўшда тобланиш ва ҳоказолар. Айниқса совуқ сувда чўмилиш. Бу муолажани 7-10 дақиқа давомда бажариш фойдалидир.

**21-22 июл** кунлари шамоллаб қолишдан асралиш тавсия этилади. Сабаби шу кунларда инсон танаси ҳолати шамоллаб қолишга мойил бўлади. 21 июл куни табиат қўнида

## САПОМАТЛИК КАЛЕНДАРИ

дам олиш, 22 июл куни эса жароҳат олмаслик учун эҳтиёт бўлиш керак.

**23-24 июл** кунлари қўл, бўйин ва қафталар фаолиятида сусайиш сезилади. Ревматизм хасталиги борларда эса оғриқ сезилиши мумкин. Шу кунлари ҳам-манинг яхшилаб чўмилиши жуда яхши фойда қилади. 23 июл кунлари доривор ўтлар дамламаси ичиш яхши натижа беради.

**25-26 июл** кунлари ошқозон-ичак, жигар ва ўт пуфаги фаолиятига алоҳида аҳамият беринг. Ушбу органларида хасталиги борлар ёлғик овқатларни истеъмол қилмасинлар. Танада тез сингиб кетадиган энгил овқатлар, кўпроқ шарбат-

лар ва сув ичиш жуда яхши фойда беради.

**27-28 июл** кунлари асабларда салбий ҳолатлар сезилади. Кўп миқдорда овқат истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Сабаби ишқозон-ичак фаолияти бузилиши юз бериши мумкин. Шу кунлари калций моддасига бой бўлган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш яхши фойда беради. Ҳар хил консерваланган маҳсулотларни истеъмол қилишдан сақланган маъкул. Шунингдек ширинликлар, крахмалли ва ёғли овқатлар тавсия этилмайди. Сут ва сут маҳсулотлари, қарам, қовоқ, пиёз, лимон, мевалар ва қора нон жуда ҳам фойдали ҳисобланади.

**29-30 июл** кунлари асаблар фаолиятида салбий ҳолат сезилади. Ҳар хил нохушликлардан асралиш, юрак қон-томмири фаолиятига эътибор бериш тавсия этилади. Асабийлашиш сезилганда душ

қабул қилиш ёки очик ҳавода чўмилиш яхши натижа беради. Юрак қон томмири фаолияти учун ҳар хил доривор ўтлар дамламасидан чой қилиб ичинг. 29 июл куни очик ҳавода сайр қилиш жуда яхши фойда беради.

**31 июл** куни ичаклар, айниқса йўғон ичак фаолиятида салбий ҳолат сезилиши мумкин. Ошқозон бези, ўт пуфаги фаолиятига ҳам алоҳида аҳамият бериш тавсия этилади. Шу кунлари бу органларни жарроҳлик йўли билан даволаш яхши фойда бермайди. Шунинг учун парhez озиқ-овқатларидан фойдаланган маъкул. Ошқозон фаолиятига таъсир қилувчи газли ичимликларни истеъмол қилиш ҳам тавсия этилмайди. Ухлашга ётишдан олдин ҳар хил доривор ўтлардан тайёрланган дамламалар ичиш яхши фойда беради.

**Анора НАРЗИҚУЛОВА тайёрлади**

**КҮЙ (21.03 — 20.04).** - Сиз омадлисиз. Дўстларингиз тақлиф этган ҳамкорлик сизга қутулмаган даромад келтиради. Сешанба куни бироз толиқишингиз мумкин.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Машинада олис сафарга чиқманг. Ушбу хафта фақат уй-рўзгор ишларини бажариш учун қулайдир.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Оила аъзоларингиз билан баҳслашиб қоласиз. Сиз ҳақ бўлсангиз-да, бироз вазмин бўлишни маслаҳат берамиз.

**КИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Моддий қийинчилик боис ақинларингизга ишингиз тушади. Ишингиз битмаса-да, дўст киму душман кимлигини билиб оласиз.

**МУНАЖЖИМЛАР**

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Севганингиз билан қаттиқ ҳафалашиб қоласиз. Хафа бўлманг, бундай синовлар муҳаббатингизни "имтиҳон"дан ўтказайди.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Кўнгилли хорих сафари қутулмоқда. Сизнинг келажагингиз учун қулай имкониятни қўлдан бой берманг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Янги уй харид қиласиз. Аммо, соғлигингиз бироз панд беради. Лекин сиз умидсизликка тушманг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Касбингизга оид ўзгаришлар бўлиши мумкин. Янгиликларни хушқайфият билан қабул қилинг. Жума куни бироз дам олинг.

**БАШОРАТИ**

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12).** - Асабларингизга эрк берманг. Ҳар қандай вазиятда боскилик ва ақл билан иш тутинг. Чоршанба учрашувларга бой бўлади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Агар ўйлаб сарфу-ҳаражат қилмасангиз, ҳафта охиригача моддий танг аҳволга тушасиз. Бехуда харидлардан ўзингизни тийинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Ҳақиқатни гапиргани учун дўстингизни бехуда хафа қилиб қўясиз. Дўст ачитиб гапирганини унутманг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Ҳафта дўсту ёрларингиз даврасида, шоду хуррамлик билан ўтади. Хушқайфиятлик ва шодлик сизни тарқ этмайди.

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

**Оила ва жамият**

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси**

**БУНА ИНДЕКСИ - 176**  
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 576. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобоқ.  
Адади - 19412  
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.  
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи — Л. АҲМЕДОВА.  
Мусахҳиш — С. САЙДОЛИМОВ.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлбизмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтариқ қилинмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмаҳонасида chop этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 21.00  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.